КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЖАНГОВАР ЧАҚИРИҚЛАРИ РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИНИ ЯНГИДАН-ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА РУҲЛАНТИРМОҚДА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 85 (12.438)

Чоршанба, 10 апрель 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумини чақириш тўғрисида

АХБОРОТ

ҚПСС Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини 1963 йил 28 майда чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Партия идеология ишининг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги масала Марказий Комитет Пленуми муҳокамасига қўйилади. ҚПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. Ф. Ильичев докладчи қилиб тасдиқланди.

Марказий Комитет Пленумининг ишида раҳбар партия ва совет ходимлари, адабиёт ва санъат арбоблари, фан, халқ маорифи, матбуот, радио, телевидение ходимлари ва республикалар, ўлкалар ҳамда областлар ижодий интеллигенциясининг бошқа вакиллари қатнашадилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларини республикамиз меҳнаткашлари қизғин нутиб олдилар. Барча саноат корхоналарида меҳнат кўтаринкилиги авж олялти. Сиз кўриб турган суратда Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи дизель цехининг участка мастери ўртоқ А. Яхёбоев бир группа ишчиларга 1 Май Чақириқларини ўқиб бермоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ИЛҲОМБАХШ ЧАҚИРИҚЛАР

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1963 йил 1 Май Чақириқлари бутун жаҳонга, барча эллар, мамлакатлар ва қитъаларга жуда тез ёйилди. Тинчлик, озодлик, демократия ва меҳнатга, янги порлоқ ҳаётга чақирувчи бу оташин сўзлар ҳамманинг, барча халқлар ва миллатларнинг дилида ва тилида фахр ва ғурур билан жаранглямоқда. Партиямиз Марказий Комитетининг Чақириқларида совет кишиларининг истак ва иродаси, мақсад ва интилишлари, ижодий яратувчилик ишлари тўла ифода этилган. Май Чақириқлари янги зафарларга, коммунизмнинг нурли чўққиларига чорламоқда.

Партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун зўр ғайрат ва ижодий ташаббус билан меҳнат қилаётган мамлакатимиз халқлари коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ барпо этиш учун қурашиб, янги марраларни эгалламоқдалар. Етти йилликнинг тўрт йили планларининг муваффақиятли бажарилганлиги ва бешинчи йилдаги вазифаларни амалга оширишда эришилаётган қувончли натижалар бунинг ёрқин мисолидир. Халқимиз партия Марказий Комитетининг қуйидаги Чақирғини чин қалбдан қизғин қўллаб-қувватламоқда: **Бутун куч КПСС Программасини, партия XXII съезди қарорларини бажаришга қаратилсин!**

Ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашётган халқлар, қудратли социалистик лагерь кучлари, урушга қарши тинчлик учун кураш тарафдорлари бўлган миллиор-миллион оддий кишилар Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсатини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва жонажон ҳукуматимиз амалга ошираётган жуда катта тадбирларни қўллаб-қувватламоқдалар ва табрикламоқдалар. Шунинг учун ҳам улар жаҳондаги барча мамлакат ишчиларининг бирлик ва қардошлик куни, меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май арафасида совет кишиларига ўзларининг қалб сўзларини, энг яхши истак ва мақсадларини йўлламоқдалар.

Совет кишилари 1 Май байрами арафасида тинчлик учун курашаётган барча халқларни, социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашларини табрикладилар ва уларга бахт-саодат тилайдилар. **Барча мамлакатларнинг халқлари! Хушёр бўлингиз, уруш оловини ёқувчи империалистларни фош қилингиз! Мустаҳкам ва бузилмас тинчликни таъминлаш учун активроқ курашингиз!**

Тинч ижодий меҳнат билан банд бўлган совет кишилари саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятни янада ривожлантириш, партия Программасида белгиланган улуғвор вазифаларни шараф билан бажариш учун барча куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар, коммунистик қурилиш йўлида янгидан-янги зафарларни қўлга киритмоқдалар. Улуғ байрам шарафига саноат корхоналари, транспорт ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, социалистик ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида умумхалқ социалистик мусобақаси янада кенг авж олиб кетди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар, колхозчилар ва совхоз ишчилари, турли касб ва ҳунар кишилари квартал ва йиллик планларни бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортлари бермоқдалар.

Республикамиз саноати 1963 йилнинг биринчи квартал топшириғини анча ошириб бажарди, планга қўшимча равишда неча юз минг сўмлик маҳсулот берди. Андижон нефтчилари, Наманган тўқувчилари, Тошкент саноат индустриясининг ўнлаб пешқадам корхоналари, Самарқанд ва Бухоро областларидаги кўпгина завод ва фабрикаларнинг коллективлари Май олди мусобақасида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Партиямиз совет кишиларини янада яхшироқ ва унумли ишлашга чорламоқда. 1 Май Чақиригидаги қуйидаги сўзлар совет кишиларига янги куч ва илҳом бағишлайди, уларни меҳнат зафарларига отлантиради.

— **Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Умумхалқ социалистик мусобақасини кенгайтирингиз! Етти йилликнинг бешинчи йили планини муддатидан илгари бажарайлик! Меҳнат унумдорлигини зўр бериб оширингиз! Ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан энг тўлиқ фойдаланиш учун, маҳсулот сифатини ошириш учун курашингиз!**

1963 йилда барча совет кишилари сингари республикамиз меҳнаткашлари олдида ҳам янада улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу йил саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни янада оширишимиз, меҳнат унумдорлигини кўтариш, энг муҳими, ҳар бир саноат корхонасининг давлат планлари ва олинган социалистик мажбуриятларни ҳеч сўзсиз бажаришига эришишимиз керак. Қишлоқ хўжалиги механизаторлари етти йилликнинг бешинчи йилида она-Ватанга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин», кўп миқдорда пилла, ғалла, чорвачилик, сабзавотчилик ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бу юксак вазифаларнинг ҳал этилиши шу кунлардаги ишимизга боғлиқдир. Халқимизнинг бутун куч ва ғайратини тўла сафарбар этиб, ойлик ва квартал планларини ўз вақтида бажариш, кўклами экиш ишлари, айниқса чигит экиши юксак агротехника қоидалари асосида юқори сифатли ўтказиш асосий вазифамиздир.

Партиямиз Марказий Комитети ноябрь Пленуми белгилаб берган буюк тадбирлар қанчалик ҳаётий ва реал эканлигини турмуш равшан кўрсатмоқда. Бошқарувнинг янги системаси туфайли қишлоқ хўжалигига раҳбарлик савияси янада ошди. колхозчилар ва совхоз ишчиларининг активлиги, коллектив хўжалик ҳаётидаги иштироки кучайди. Ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия комитетлари бутун куч ва эътиборни қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, мўл-кўл маҳсулот етиштиришга, деҳқончилик маданиятини оширишга қаратмоқдалар.

Партия Марказий Комитети томонидан қўйилган буюк вазифаларни тўла адо этиш учун халқимизнинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини янада оширишимиз, оммa ўртасида ташкилотчилик ишларини савиясини юқори кўтаришимиз лозим. Янги кишини, коммунистик жамиятимизнинг актив қурувчисини тарбиялашда пропаганда ва агитация, санъат ва адабиётимиз катта роль ўйнайди. Партия Марказий Комитети ижодий интеллигенциямизга мурожаат қилиб: **Адабиёт ва санъат арбоблари! Асарларингиз партиявийлиги ва халқчиллиги, юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорати учун курашингиз! Коммунизм қурувчилар қилаётган қаҳрамонона ишларнинг улуғворлиги ва гўзаллигини, ҳаётимизда янги, коммунистик муносабатларнинг ғалабасини ёрқин акс эттиринг!** — деб чақирмоқда.

Баҳор байрами — 1 Май яқинлашмоқда. Партиямизнинг Май Чақириқлари республикамиз меҳнаткашларини коммунистик қурилишнинг янги зафарларига руҳлантирмоқда. Жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматига чексиз садоқат ва муҳаббат туйғулари билан тўлиб-тошган Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXII съезди қарорлари, партия Программасини амалга ошириш ва етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун қурашиб, улуғ байрамни муносиб совғалар билан кутиб олмоқдалар.

— **Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!**

— **Яшасин ер юзида ҳамма халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!**

УЧИНЧИ КВАРТАЛ ҲИСОБИГА

Гулсуной Юсупова Тошкентдаги чинни буюмлар заводида гул солувчи бўлиб ишлай бошлаганига ўн йилдан ошди. У ўз дугонаси Ноила Мустафина билан мусобақадош. Мусобақадош дугоналар чинни буюмларнинг чиройли ва сифатли тайёрланиши учун курашда бир-бирларидан қолишмайдилар. Тамара Птичкина бошлик коммунистик меҳнат бригадасининг ишчан бу аёллари кунлик нормани 150-160 процент адо этмагунларича кўнгилларини жойига тушмайди.

Гулсуной Юсупова шу кунларда етти йиллик бешинчи йилининг учинчи квартали ҳисобига меҳнат қилмоқда. М. Толипова, М. Ганиева, З. Каримова каби ўнлаб пешқадам ишчилар КПСС Марказий Комитетининг Май олди Чақириқларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашиб, кунлик нормани ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлаётирлар.

Р. ҚОСИМХЎЖАЕВА.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИДА

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан илҳомланган Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводининг кўп минг кишилик коллективи апрель ойида планга қўшимча ўтган ойдагига қараганда 4 та «ТЭ-3» тепловозни ремонт қилиб бериш мажбуриятини олди.

Коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номга сазовор бўлган гилдирак цехи коллективи айниқса яхши натижаларга эришмоқда. Цех аҳли тепловоз ғилдиракларини ремонт қилиш бўйича биринчи квартал учун берилган топшириқни 200 процент қилиб адо этди. Цех азаматлари шу кеча-кундузда учинчи квартал ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Пўлат қуйиш цехининг эритувчиси Н. Ефанов, 2-механика цехининг токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрмони А. Қодиров, чўян қуйиш цехининг стерженчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Л. Реут сингари кўплаб ишчилар Май олди мусобақасига қўшилиб, шу кунларда июнь ва июль ойлари ҳисобига маҳсулот тайёрлашга эришмоқдалар.

Ж. МАҲМУДОВ.

КЎЛИНГ ДАРД КЎРМАСИН

— **Енгил ва озиқ-овқат саноати ходимлари! Ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, товарларининг хилини кўпайтирингиз ва сифатини яхшиланглиз!** КПСС Марказий Комитетининг куни кеча эълон қилинган 1 Май Чақириқларида айтилган бу сўзлар Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикаси чеварларининг ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Биринчи квартал планини 102,2 процент қилиб адо этган тикувчилар коллективи аҳолига кўплаб сифатли кийим-кечаклар тикиб бериш учун оширилган мажбуриятлар олмоқдалар.

Фабрика чеварлари баҳор байрами — 1 Май кунигача апрель ойи планига қўшимча 96 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Резервларни ишга солиш ва ҳар бир минут вақтдан самарали фойдаланиш йўли билан ойлик план муддатидан 4 кун олдин адо этилади. Тикувчилар индивидуал-бригада усулида ишлашни кенг кўлламоқдалар. Бу усул икки смена орасида станокларнинг бекор туриб қолишини камайтиради. Биргина 4-цехнинг ўзида янги усулда ишлаш меҳнат унумдорлигини 10 процент оширмоқда. Ҳар бир ишчининг меҳнат ҳақи 9 процент кўпайди.

Байрам олди мусобақасида А. Аветов, Р. Покалова, Д. Тоштемирова, М. Суслина ўртоқлар бошлиқ бригадалар ишлаб чиқариш топшириқларини муттасил ортиғи билан бажаратёгирлар. Бу коллективлар ҳар сменада планга қўшимча 20-27 процент миқдорида қўшимча маҳсулот тайёрлашга эришмоқдалар.

Р. МУҲСИМОВА.

6 ОЙЛИК ПЛАН—5 ОЙДА

НУКУС. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Шаҳар саноат корхоналарида 1 Май олди социалистик мусобақаси авж олдириб юборилди. Экскаваторларни ремонт қиладиган марказий устахона коллективи биринчи кварталда пландан ташқари 15.320 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, шаҳар бўйича илғорлар сафига ўтиб олди.

Устахонада ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим иш соатидан унумли фойдаланиб, смена топшириқларини ошириб бажаришга эришмоқда. Омонбой Маҳанов, Светлана Виноградова, Иван Косолапов каби токарлар, шунингдек, Бекназар Пирмаҳанов, Степан Лачухин, Борис Зайцев каби слесарлар ва темирчилар смена топшириқларини 1,5-2 марта орттириб бажармоқдалар. Байрам вахтасида туриб ишлаётган устахона коллективи олти ойлик топшириқни 1 Майгача бажариш учун курашмоқда.

Мебелсозлар аҳди

Тошкент «Шарқ» мебель фирмаси коллективи ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш билан маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш юзасидан катта иш бошлаб юбордилар. Фирма бу йил 60 та янги, ҳозирги замон мебелсозлик техника ускуналарини ишга туширади. Кўпгина иш процесслари механизациялаштирилади. Фирманинг асосий корхонасида мебель бўлакларини бир-бирига ёпиштирадиган 400 тонна босим кучига эга бўлган пресснинг ишга туширилиши 18 ишчини бошқа ишга кўчириш имконини беради. Ана шундай прессдан яна бири фирманинг 3-филиалида ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, фирманинг 1-филиалида юмшоқ мебеллар ишлаб чиқарадиган конвейер ўрнатилади. 2-филиалда эса стулларни поток усулида ишлаб чиқаришга кўчирилади. 5-филиалда юмалоқ овқатланиш столларини конвейер ёрдамида тайёрлашга ўтилади. Ҳамма филиалларда лак пуркагич, пардозлаш, фрезерлик ускуналари қурилиб ишга туширилади. Ҳозир 5-филиалда мебелларга нақш, безак берадиган доира шаклидаги конвейер қуриш тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш туфайли фирмада янги материаллардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Масалан, пресслар ўрнатилгач, мебелларнинг деталларини бир-бирига ёпиштиришда жуда қиммат турадиган дурадгорлик клейи ўрнида арзон ҳамда чидамли смола клейи ишлатилади. Спиртли лак ўрнини эса нитролак олади.

Фирма коллективи бу йил икки хонали квартиралар учун мослаштирилган янги хил мебеллардан 600 комплектини ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Шу билан бирга, рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ҳисобига 40 минг сўм маблағ тежаб қолинади.

Т. НАЖМИЙ.
фирма ишчиси.

КОНЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Май олди социалистиқи мусобақасини қизитиб юборган Самарқанддаги «Ингичка» кон бошқармаси коллективи меҳнатда катта ғалабаларга эришмоқда. Биринчи кварталда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 109, руда қазиб чиқариш плани 107 процент адо этилди. Қўшимча равишда бир неча юз тонна руда қайта ишлашга жўнатилди. Бундай муваффақият-ни қўлга киритишда 4-шахтанинг Н. Шералиев, А. Шаймонов, Б. Fo. зиев, С. Арслонов, А. Қўчқоров ўртоқлар бошлиқ звено, бригада ва сменаларнинг ҳиссаси катта.

М. ҚОБУЛОВ,
Р. САТТОРОВ.

СССРДА КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти ўртоқ Н. С. Хрушчев доклад ва нутқларининг олтинчи томи — «СССРда коммунизм қурилиши ва қишлоқ хўжалигининг ривожлантирилиши» китобини нашр этди. 1961 йилнинг октябридан тортиб 1962 йилнинг март ойигача бўлган давр ичида қилинган докладлар, нутқлар, ёзилган мактублар бу томга киритилган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди бу даврнинг энг муҳим воқеаси бўлди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXII съездига ҳисоботининг икки бўлими олтинчи томда «Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги юксакликларга эришайлик» деган сарлавҳа остида босиб чиқарилган. КПСС XXII съездида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси тўғрисида қилинган докладнинг «Қишлоқ хўжалигининг ва қишлоқдаги ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши» деган бўлими «Коммунистик қурилишнинг кенг йўли» деган сарлавҳа остида берилган.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ДОКЛАД ВА НУТҚЛАРИНИНГ ОЛТИНЧИ ТОМИ

<>

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Ўзбекистон, Қозоғистоннинг жанубий областлари, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Озарбайжон қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашида «Бутун кучимизни КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар қилайлик» деган темада сўзалган нутқи, Қозоғистон, Сибирь, Украина, Белоруссия қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашларида сўзалаган нутқлари, РСФСР қоратупроқ бўлмаган зонасидаги областлар ва автоном республикалар қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашида сўзалаган нутқи китобга киритилган.

Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида 1962 йил 5 мартда «Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи ва партиянинг қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги вазифалари» тўғрисида қилган доклади олтинчи томда эълон қилинган.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Полтава область, Миргород районидаги Шевченко номли колхознинг звено бошлиғи Екатерина Гулийга, Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг аъзолари-га, Иваново областидаги «Шуйский» совхозининг машина ёрдами билан сигир соғиш усталари З. И. Заботина ва Д. И. Заботинларга, Архангельск область, Вельск районидаги «КПСС XXI съезди» колхози звено бошлиғи Н. А. Красковга юборган табриклари китобга киритилган.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг олтинчи томга киритилган докладлари, нутқлари ва мактубларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, колхоз ва совхозларни мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилашга оид энг муҳим масалалар қўйилган. (ТАСС).

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА

КЕНГ ЁЙИШГА МУНОСИБ ТАЖРИБА

МОСКВА, 8 апрель. (ТАСС). ВЦСПС президиуми Кемерово областидаги касаба союз, хўжалик ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш органларининг корхоналарда касалликни камайтириш соҳасидаги иш тажрибалари масаласини муҳокама қилди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, бу областда ишчилар ва хизматчиларнинг турмуш ҳамда маиший шароитини тобора яхшилаш, оғир ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш учун кўп иш қилинмоқда. Кўмир саноатида кўмир қазиб чиқаришнинг прогрессив усуллари жорий қилинди. Корхоналарда ишчи ва хизматчилар меҳнатининг санитария-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган икки юзга яқин муҳим тадбирлар амалга оширилди. Масалан, Анжероуголь трестининг 2-шахтасида душлар кенгайтирилди, сув шифохонаси, радон ваннаси, фотариялар, лой билан даволаш шифохонаси, механикалаштирилган кирхона, иш кийимларини ремонт қиладиган устахона қурилди.

Кўп корхоналарнинг раҳбарлари вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган кишиларнинг аҳволи билан куни сайин қизиқмоқдалар, касалликларнинг пайдо бўлиш сабабларини йўқотиш учун оператив чоралар кўрмоқдалар. медицина пунктларини жиҳозлашда, зарур аппаратлар ва дорилармонлар сотиб олишда соғлиқни сақлаш органларига ёрдам бермоқдалар.

Область соғлиқни сақлаш бўлими корхоналарга медицина ёрдамини кучайтириш чораларини кўрди. Кўпгина цех врачлари ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш йўлидаги курашнинг чинакам ташкилотчилари бўлиб қолдилар. Улар хўжалик раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. иш жойларида ва ишлаб чиқариш участкаларида вазиятнинг ишзовчилар соғлигига таъсирини ўрганмоқдалар.

Касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларнинг соғлигини сақлаш соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш учун активларни кенг жалб этмоқдалар.

Касаба союз, хўжалик ташкилотлари ва медицина муассасаларининг биргаликда иш олиб боришлари натижасида Кемерово областида меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотишга сабаб бўладиган касалликлар кескин суратда камайиб кетди.

ВЦСПС президиуми Кемерово областидаги касаба союз, хўжалик ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш органларининг меҳнаткашлар соғлигини сақлаш, касалликларни камайтириш ва санитария маданиятини юксалтириш соҳасида биргаликда олиб борган иш тажрибаларини маъқуллади ва бу тажрибаларни бошқа областлар, ўлка ва республикаларда ҳам кенг ёйишни тавсия этди.

ЛЕНИН ВА ПАХТАЧИЛИК

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН ҚУННИНГ 93 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

□ □

Коммунистик партия ва совет халқининг мамлакатимизда пахтачиликни ривожлантириш соҳасида олиб бораётган кураши Владимир Ильич Ленин номи билан чамбарчас боғлиқдир. В. И. Ленин Октябрь ғалабасининг дастлабки кунларидаёқ партия ва халқ олдига мамлакат тўқимачилик саноати эҳтиёжини Ватанимизда етиштирилган пахта билан таъминлаш ва пахтачиликни ривожлантириш вазифасини қўйди.

В. И. Ленин 1918 йилнинг май ойида, Туркистонда суғориш ишлари учун 50 миллион сўм маблағ ажратиш ва бу ишларни уюштириш тўғрисидаги тарихий Декретни имзолади. РСФСР Халқ Комиссарлари Совети шу Декретга биноан Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши ҳузуридаги пахта билан таъминлаш Комитетига Ўрта Осиёдан пахта сотиб олиш ва уни ташиш билан боғлиқ бўлган ташкилий харажатларга 250 минг олтин сўм ажратишни таклиф қилди. Бундан ташқари, пахта билан таъминлаш Комитети ихтиёрига Туркистондан пахта сотиб олиб, уни марказий Россияга ташиш учун 502.424 олтин сўм берилди.

Гражданлар урушининг оғир кунларида, яъни 1918—1919 йилларда Туркистонда пахтачилик издан чиқиб, пахта майдонлари ниҳоятда камайиб кетди. ҳосилдорлик жуда пасайди. Натижада пахтачилик жуда орқада қолди. 1918 йилда бор-йўғи 80 минг десятина ерга пахта экилиб, 1915 йилдагига қараганда 10 баравар кам ҳосил олинди.

Бундан кейинги йилларда пахта майдонлари ҳам, айни вақтда умумий экин ерлари ҳам янада камайиб кетди. 1917—1920 йилларда Туркистон республикасида, Бухоро ва Хоразмда умумий экин майдонлари 985 минг десятина, яъни 34,5 процент, чорва моллар сони 48 процент, қишлоқ аҳолиси эса 18 процент камайди. Ҳар бир хўжаликка тўғри келадиган экин майдони 2.57 десятинадан 1.99 десятинага тушиб қолди ва 1915 йилдагига нисбатан 70 процентигина ташкил этди. Ана шу машақатли йилларда партия Марказий Комитети ва шахсан В. И. Ленин Туркистон коммунистларига ва халқларига хўжалик, партия ва совет қурилишида ғоят катта ёрдам кўрсатдилар.

В. И. Ленин 1920 йил 19 апрелда тўқимачилик саноати ходимларининг III Бутуниттифоқ съездида сўзлаган нутқида Туркистонда пахтачиликни тиклаш жуда катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапириб, шундай деган эди: «Ҳаммага маълумки, тўқимачилик саноати катта вайронликда қолиб келмоқда, сабабки, чет элдан келтириладиган пахта ҳозир йўқ, чунки Ғарбий Европада ҳам хом ашёнинг жуда камлиги сезилмоқда. Ягона манба — Туркистон...»

Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш халқ хўжалигини тиклаш ва юксалтириш, халқнинг моддий фаровонлигини, мамлакат мудофаа қобилиятини ошириш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. В. И. Ленин 1920 йилда Туркистонда ва Озарбайжонда пахтачиликни тиклаш тўғрисидаги РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг тарихий қарорларини имзолади. Туркистон республикасида пахтачиликни тиклаш юзасидан конкрет вазифалар белгиланди. Бу вазифалар деҳқонларга ердан ва сувдан фойдаланишда енгиллик ҳамда кенг кўламда бошқа ёрдамлар бериш, жойларда уруғлик, қишлоқ хўжалик асбоблари, ўғит юбориш, етиштирилган пахтани давлат баҳосида товарларга айирбошлаш асосида пахтакорларни саноат ва озиқ-овқат моллари билан таъминлашни қўшиб олиб бориш йўли билан ҳал этилди.

В. И. Ленин ва Коммунистик партиянинг ғамхўрлиги туфайли пахтачиликни тиклаш ишлари кўлами кенг қулоч ёйди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топган даврга келиб, пахта майдони 264,8 минг гектарга етди. Пахта ҳосилдорлиги гектаридан 7,2 центнерга етиб, ўша йили 200,4 минг тонна пахта тайёрланди.

Шундай қилиб мамлакатимиз енгил саноати 1924 йилда 1923 йилдагига нисбатан анча кўп пахта олди. Бироқ бу мамлакат тўқимачилик саноатининг пахтага бўлган эҳтиёжини ҳали қоплай олмас эди. 1924 йилда АҚШдан ва бошқа мамлакатлардан 122 минг тонна пахта толаси сотиб олинди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати пахта етиштирувчи республикаларни кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларни машиналар, ғалла ва газлама билан таъминлаш тўғрисида, уруғчиликни яхшилаш, алмашлаб экишни тўғри жорий қилиш, социалистик мусобақани кенгайтириш, коллектив хўжаликларни мустаҳкамлаш тўғрисида гинмай ғамхўрлик қилдилар. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларидаёқ мамлакат тўқимачилик саноатининг эҳтиёжини Ватанимизда етиштирилган пахта билан деярли тўла таъмин этиш имконига эга бўлдик. СССР 1923—1925 йиллар ичида четдан пахта сотиб олиш учун 300 миллион олтин сўмдан кўпроқ, 1925—1930 йилларда, яъни беш йил мобайнида эса ярим миллиард олтин сўм сарф қилган эди. Биринчи беш йилликнинг охирига келиб четдан пахта сотиб олишга кетадиган миллионлаб олтин сўмлар мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш учун сарф қилинди. Пахтачиликни ривожлантиришдек муҳим умумхалқ курашида Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари катта роль ўйнади. республикада 1932 йилга келиб, Бутуниттифоқда тайёрланган пахтанинг 62,3 проценти етиштирилди.

Коммунистик партия В. И. Ленин васиятларини амалга ошириб бориб, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини табиат инжиқликларини, об-ҳаво қийинчиликларини енгишга ўргатмоқда. Мамлакатнинг қатор районларидаги неча миллионлаб гектар қўриқ ерларга сув чиқариш, захкаш районларда намни қочириш ва бошқа мелиорация ишларини олиб бориш пахтачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

КПСС XX, XXII съезди пахтачилик соҳасида Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказьедаги қўриқ ерларнинг тезроқ ўзлаштирилишини таъминловчи ҳамда сарфланган капитал маблағларнинг қоплашни гарантияловчи ирригацияни ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. Бу вазифанинг мамлакат учун нақадар муҳим ва унинг иқтисодий тараққиёти учун нақадар мақсадга мувофиқ эканлигини қуйидаги мисолларда яққол кўриш мумкин. Ўрта Осиё билан Қозоғистонда, яъни 3 та республика тутташадиган жой — Мирзачўлда жуда катта ирригация қурилиши олиб борилмоқда; Сирдарёда ва Мирзачўлдаги Жанубий магистраль каналидаги мавжуд иншоотлар базасида 258 минг гектардан ортиқ ерда ирригация шохобчалари қурилмоқда.

Яқин вақт ичидаги асосий вазифа — Мирзачўлда суғориладиган майдонларни 800 минг гектарга етказишдан иборат. Бу эса йилига бир миллион тоннадан ортиқ пахта етиштириш имконини беради. Мирзачўлнинг қўриқ ерлари ирригация иншоотлари билан тўла таъминлангандан кейин, йилига 2 миллион тоннага яқин пахта етиштирилади.

Мирзачўлни ўзлаштириш соҳасидаги тажриба асосида Фарғона водийсида 160 минг гектар ер, Сурхондарё ҳавзасида 130 минг гектар ер ва янги суғориладиган районларда яна кўплаб ер ўзлаштирилади. Республиканинг жанубида ҳам бир миллион гектар ерни ўзлаштириш ишлари қизитиб юборилди. Қарши чўлида пахта етиштиришни кўпайтириш учун катта имкониятлар бор.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ишт и р о к и д а Тошкентда 1954, 1956 йилларда пахтачиликка бағишланиб ўтказилган кенгашлар, 1958 йилги пахтакорларнинг Бутунитти ф о қ кенгаши, 1961 йилги Тошкентда бўлиб ўтган зона кенгаши пахтачиликни кескин юксалтиришда катта роль ўйнади. Бу кенгашларда Н. С. Хрушчевнинг чуқур мазмунли нутқлари пахтачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Пахтачиликнинг ривожланишини биз қуйидаги рақамлардан яққол кўришимиз мумкин: етти йилликнинг тўрт йили мобайнида ўрта ҳисобда ҳар йили етиштирилаётган пахта қарийб уч миллион тоннага етди ва ундан олдинги тўрт йилдагига нисбатан йилига 210 минг тонна, ёки 7,6 процент кўпайиб борди. Бироқ шу нарсани ҳам айтиш керакки, бизнинг республикамиз етти йилликнинг тўрт йили мобайнида давлатга пахтани 670,4 минг тонна кам берди.

СССРда пахта етиштиришнинг ўсиши суръатлари кейинги 40 йил ичида Америка Қўшма Штатларидагига қараганда 60 баравар илдам борди. Ҳозир Совет Иттифоқи пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради.

Ҳозирги вақтда СССР чет давлатларга кўплаб пахта ва пахта маҳсулотлари юбормоқда. Ташқи савдо министрлигининг маълумотларига қараганда, СССР ҳар йили халқ демократияси мамлакатларига ва капиталистик давлатларга 300 минг тоннадан ортиқ пахта толаси ва пахтадан тайёрланган бошқа кўпгина маҳсулотлар сотмоқда.

Эндиликда Ўзбекистон 287 миллион аҳолига (бирга қўшиб ҳисобланганда) эга бўлган Бразилия, Покистон, Туркия, Эрон, Ироқ, Афғонистон, Сальвадор, Греция, Италия ва Испания мамлакатлари тайёрлаётган миқдорда пахта етиштирмоқда. Ўзбекистон аҳоли жон бошига пахта етиштириш жиҳатидан дунёдаги пахта етиштирувчи 34 мамлакатнинг ҳаммасидан, шу жумладан, Америка Қўшма Штатларидан ҳам жуда ўзиб кетди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон пахтакорлари гектаридан ўрта ҳисобда Америка плантаторлари етиштираётган пахтадан уч баравар кўпроқ ҳосил олмоқдалар, машъал хўжаликларимиз эса 6 баравар кўп ҳосил етиштирмоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон жанубий областлари ва Озарбайжон қишлоқ хўжалик ходимларининг 1961 йил 16 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида сўзлаган нутқида мамлакатда пахтачиликни ва чорвачиликни янада ривожлантириш вазифаларини конкрет кўрсатиб берди. Никита Сергеевич Иттифоқимизнинг пахта етиштирувчи районлари олдида турган вазифаларни: пахта ҳосилдорлигини асосий экин сифатида энг юксак даражага етказишни таъминлаш ва чорвачиликни ҳар қачонгидан кўра ривожлантириш зарурлигини яна бир марта уқтириб ўтди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев бу кенгашда колхоз ва совхозларда пахта ҳосилдорлигига доир жуда қизиқарли маълумотлар келтирди. У республика колхоз ва совхозларидан 67 проценти гектаридан 25 центнердан кам пахта ҳосили олаётганлигини айтди ҳамда ўзбек пахтакорларини юқори ҳосил учун курашга даъват қилди. Дарҳақиқат, республикамиздаги кам ҳосилли хўжаликларни илғор хўжаликлар даражасига кўтариш эвазига қўшимча 500-600 минг тонна пахта етиштириш мумкин. Республикамизнинг азамат пахтакорлари бу шарафли ва масъулиятли вазифани бажариш учун қизғин курашмоқдалар. Ўзбек халқи партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг тарихий қарорларини бажараборибқ, етти йилликнинг бешинчи йилида она-Ватанга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш ва шу билан бирга чорвачиликни ҳам кескин ривожлантириш мажбуриятини олган.

Партия ва ҳукуматимиз, деҳқонларнинг қадрдони ўртоқ Н. С. Хрушчев пахтакорлар ҳақида, пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш ҳақида ҳамда пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисида» қабул қилган қарори бунинг ёрқин далилидир. Бу қарор қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ижодий ғайратини янада жўш урдириб юборди.

Совет Иттифоқининг барча халқлари каби Ўзбек халқи ҳам Коммунистик партия раҳбарлигида марксизм-ленинизм байроғи остида коммунизм ғалабаси сари бормоқда ва КПСС Программаси белгилаб берган буюк режаларни муваффақиятли амалга оширмоқда.

Р. НОРЖИГИТОВ,
тарих фанлари кандидати.

А. Палехов фотоси.

БИНОКОРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ФАРҒОНА. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). 8-қурилиш трести ишчи-хизматчиларининг иқтисодий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда уй-жой ва жамоат бинолари қуриш таннархини арзонлаштириш ва сифатини яхшилаш масаласи муҳокама қилинди. Бу соҳада илғор иш усуллари оммалаштирилди.

Уй қуриш комбинатининг бош инженери А. Любимовнинг «Уй қуриш комбинатида маҳсулот таннархини камайтириш», 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг бош инженери Б. Давидовнинг «Мактаб ва маданий-маиший бинолар қуришда йирик панеллардан фойдаланиш» тўғрисидаги докладлари ва кўпгина мутахассисларнинг кўшимча сўзлари тингланди.

Қурувчиларнинг иқтисодий конференциясида қурилиш ишлари таннархини камайтириш ва сифатини янада яхшилашга қаратилган муҳим тадбирлар белгиланди.

И. ТЎХТАСИНОВ.

Самарқанддаги гилам тўқиш фабрикасининг маҳсулотлари чет элларда ҳам машҳур. Суратда: ўз касбининг устаси, гилам тўқувчи, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси Муяссар Насриддинова иш устида.

ИЛМИЙ АТЕИЗМ ПРОПАГАНДИСТЛАРИ СЕМИНАРИ

Тошкентда лекторларнинг республика семинари бўлди. Уч кун давом этган бу семинар илмий атеизмни пропаганда қилиш масалаларига бағишланди.

Семинарда философ олимлар, тарихчилар, биологлар сўзга чиқдилар. Улар партия XXII съезди қарорлари асосида илмий атеистик пропагандани яхшилаш йўллари тўғрисида гапирдилар, диндорлар ўртасида бу ишни олиб бориш формалари ҳамда методларига тўхталиб ўтдилар.

Ҳеваддаги Атеистлар уйининг иши семинар қатнашчиларининг эътиборини жалб этди. Атеистлар уйи жамоат кенгашининг аъзоси, ўрта мактаб директори А. Раҳмонов Атеистлар уйининг ишлари тўғрисида сўзлаб берди. Активлар пахта тозалаш заводида, гилам тўқиш фабрикасида ва шаҳар пионерлари уйида илмий атеизм тўгаракларини ташкил этдилар. Шаҳар ва район кутубхоналарида, учинчи ва тўртинчи сонли маҳаллаларда, икки колхоз клубида махсус лекторийлар ва атеист тўгараклари очилди. Маданият уйи халқ театри маҳаллий педагоглар Юсуф Рузметов ва Мадраим Бобожоновлар томонидан атеистик темада ёзилган пьесани саҳнага қўйди.

Интеллигенция вакиллари — инженерлар, медиклар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва ўқитувчилар атеистик пропагандага жалб этилди. Улар фан ва техника ютуқлари тўғрисида, инсоннинг космосни забт этиши тўғрисида суҳбат бермоқдалар. Революция ветеранлари граждан урушининг оғир кунлари тўғрисида ўз хотираларини айтиб бермоқдалар. Граждан уруши йилларида руҳонийлар босмачиларни қўллаб-қувватлаган эдилар. Диндан юз ўгирган баъзи руҳонийлар ҳам атеизмни пропаганда қила бошладилар.

Доцент С. Акрамов Самарқанддаги халқ атеизм университетининг иш тажрибалари тўғрисида ахборот берди. Таниқли олимлар бу университетда лекция ўқимоқдалар, уларнинг иштироки билан тематик кечалар ўтказилмоқда.

Тошкент Давлат университети атеистлар клуби, Сиёсий ва илмий бўлимлар тарқатувчи жамият Чирчиқ шаҳар бўлимининг вакиллари ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Семинар қатнашчилари республика илмий атеизм уйида бўлдилар. Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Маданият» колхозида ўтказилган интернационал дўстлик кечасида қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ЯРИМ МИЛЛИОН ДОНА БАЛИҚ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Хоразм областидаги кўлларда сувлар кўриб бораётганлиги сабабли неча минглаб балиқлар нобуд бўлаётир. Областдаги жамоат ташкилотлари, комсомол ва пионер ташкилотлари майда балиқларнинг қирилиб кетиши олдини олмоқдалар. Улар суви кўриб бораётган кўллардаги майда балиқларни ушлаб, «ҳаёт дарахтлари»га солиб, Амударёга қўйиб юборатёгирлар.

Шу йилнинг ўтган икки ойида Кўкюз, Шўрқўл, Бабатепа ва Полвонсоқа кўлларидан салкам ярим миллион дона майда балиқ ушланиб, Амударёга қўйиб юборилди.

С. ИБРОҲИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ҒАФУР ҒУЛОМ ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

Шоир, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ғафур Ғулом туғилган кунининг олтмиш йиллиги муносабати билан юбилей ўтказувчи республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда ва Ватанимиз пойтахти Москвада юбилейни ўтказишга тайёргарликнинг борши тўғрисида юбилей комиссиясининг раиси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов ахборот берди. (ЎзТАГ).

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН да босилган сўзни КЕЙРИНГ

«ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН ҚУРИЛИШЛАР»

Қўрғонтепа районидаги Султонобод қишлоғида бундан олти йил мукаддам қурила бошлаган ошхона ва чойхона биноларининг ҳали ҳам битказилмаётгани шу сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

Материал бўйича Султонобод қишлоғида текшириш ўтказилди, — дейилади меҳнаткашлар депутатлари Қўрғонтепа район Совети ижроия комитети раиси ўртоқ Тошбоевадан олинган жавоб хатида, — газета танқидида келтирилган фактлар тўғри чиқди. Текшириш якуни район ижроия комитетида муҳокама қилинди. Ҳар иккала бинони шу йил июль ойигача ишга тушириш чоралари кўрилди. Шу кунларда қурилиш ишлари жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда.

«ҚОРОНҒИ КЎЧАЛАР»

«Муросасизлар сигнали» рубрикаси остида босилган шу сарлавҳали материалда Марғилон шаҳрининг Свердлов ва Калинин кўчаларида жуда кўп сим ёғочларга лампалар қўйилмагани, қоронғиликда баъзи кўчалардан ўтиб бўлмаслиги танқид қилинган эди.

Марғилон шаҳар Совети ижроия комитетининг хабар қилишича, газетада танқид қилинган кўчалар ремонт қилинган ва ҳозир яхши ёритилмоқда.

Умумхалқ контроли — САРСОН БЎЛГАН ВАГОНЛАР

Вагонлардан юкни ўз вақтида тушириб олиш, уларни эгасига тез етказиб бериш темир йўл учунгина эмас, балки халқ хўжалигимиз учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эга. Лекин Ўрта Осиё темир йўлининг станцияларида вагонлар юкни туширишмай нормадан ортиқ кўплаб бекор туриб қолмоқда. Бунинг учун саноат корхоналари ҳам, колхоз ва совхозлар ҳам, қолаверса, темир йўлнинг ўзи ҳам айбдордир.

Ҳамза станцияси Тошкент шаҳрининг биқинига жойлашган. Станция Қўйлиқдаги уйсозлик комбинати, 2-темир-бетон буюмлари заводи, санитария-техника ускуналари заводи, «Узоптобакалея»нинг Тошкент базаси ва пойтахтнинг бошқа корхоналарига, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Калинин ишлаб чиқариш бошқармаларига қарашли кўпгина колхоз ва совхозларга хизмат қилади. Лекин бу ерда вагонлардан фойдаланишнинг ахволи мутлақо қониқарсиз.

Станция бошлиғи Мажид Раҳимов хуноб бўлиб ўтирганида, таъминот-қурилиш материаллари конторасининг бошлиғи Ҳамидовнинг ўзи келиб қолди.

— Ўн олти вагон цемент келишини кеча айтгандик. Шу пайтгача нима қилиб юрибсизлар?— сўради Раҳимов диққати ошиб.

— Бир вагон труба қаёққа кетди?— Ҳамидов саволга савол билан жавоб берди.

— Санитария-техника ускуналари заводига!

— Ия, оҳак-чи?

— Тўртинчи йўлда турибди. Қачон бўшатасизлар?

Ҳамидов хандон отиб кулди.

— Алининг дўпписини Валига кийгизиб юборибсиз-да, биродар?! Оҳакни заводга юбориб, трубани шу ерда тушириш керак эди... Ҳали ҳам бўлса тепловоз юборио, 734494-вагонни станцияга қайтарасиз.

— Корхонангизнинг тайини борми ўзи? Нега юк адресини аниқ белгилашмайди?

— Ўртоқ Пикмандан сўранг буни!— Ҳамидов шундай деб чиқиб кетди...

Ҳамма иллат шундаки, Тошкент область ижроия комитетига қарашли 3-қурилиш трестининг юк тушиладиган аниқ жойи йўқ. Трест адресига келган вагон гоҳ уйсозлик комбинатининг кириш йўлидан фойдаланувчи 3-қурилишмонтаж бошқармасига, гоҳ санитария-техника ускуналари заводига борибқолади. Қайси юкни қаерда тушириш кераклигини трест бошқарувчиси ўртоқ Пикманнинг ўзи ҳам билмагандан кейин темир йўлчиларга ҳам қийин-да.

Ана шундай чалкашликлар сабабли юкли вагонларнинг кўп умри бекор ўтмоқда. Трестда юкчилик ишлари билан шуғулланувчи махсус ходим йўқ. Бу ишни тўғри келган киши бажариб кетаверади. Корхона адресига келган вагонлар бир неча кунлаб юки тушириламаётир. 21 мартда трест номига 16 вагон цемент келган эди. Темир йўлчилар трест раҳбарларига айта-айта тоқатлари тоқ бўлди. Охири цемент 26 мартдагина туширила бошланди.

ТУЯСИДАН ҚУНҒИРОҒИ ҚИММАТ

2 март — шанба куни «Узоптобакалея»нинг Тошкент базасига бир вагонда қанд келди. Қисқа иш куни бўлгани учун ўша куни юк туширилмади. Эртаси — якшанба куни ҳам вагон сўппайиб тураверди. Юк душанба кунигина туширилди: вагон 58 соат бекор турди ва бунинг учун база темир йўлга 113 сўм 60 тийин жарима тўлади. 3 март куни эса шу адресга муз вагонда минерал сув келтирилди. Вагон нормадан ташқари 47 соат-у, 40 минут бекор тургани учун база яна 223 сўм 20 тийин жарима тўлади. База бошлиғи Олтин Ғаффорбеков бунинг сабабини соддагина қилиб тушунтирди:

— Юкчилар фақат бир сменада ишлашади. Соат 5 бўлдими, вагондан юк туширишни тақа-тақ тўхтатадилар. Соат бешдан кейин келадиган вагоннинг шўри қуриди, деяверинг.

Ўртоқ Ғаффорбеков рост айтади. Вагонда юкнинг икки-уч кун туриб қолиши бу станцияда оддий воқеага айланиб қолибди. Баъзан шундай бўладики, энг зарур юклар ҳафталаб туриб қолади. Масалан, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Партия XXI съезди» совхозига март ойининг бошида 40 тонна седитра келтирилган эди. Ўғит роса 15 кун лойга қоришиб ётди.

Автомашина проблемаси ишни айниқса оғирлаштириб юбормоқда. Айтайлик, Тошкент ҳаммомлар трести бир ой илгари цементга заявка бериб қўяди. Юкнинг қачон келишини ҳеч ким билмайди. Цемент келгач, юк эгалари бирнеча кун овора бўлиб, автобазадан машина сўраб олишади. Машина келтириб юкни тушира бошлайдилар. Иш куни тугадими, шофер қайтиб келмайди. Вагон эса яна бир неча кун туриб қолади. Яна жарималар...

Қизиқ, баъзи корхоналар баҳоси нари борса 30 сўм турадиган бир тонна цементни туширишга улгуролмай колиб, вагонни нормадан ортиқ бекор тургазиб қўйгани учун 100-120 сўм жарима тўлайди.

Ҳамза станциясидан Қўйлиқдаги уйсозлик комбинатига темир йўл тармоғи бор. 7 километрли бу тупикка шу корхонанинг транспорт цехи хизмат қилади, ўз тепловози бор. Аммо комбинат транспортчилари ўзларигагина эмас, 2-темир-бетон буюмлари заводига, ўша атрофдаги бошқа корхоналарга ҳам хизмат қиладилар. Сўнгги пайтларда бу корхоналарнинг фаолияти кенгайиб, комбинат транспортчилари ҳамма ишни бажаришга улгура олмаётирлар. Станция темир йўлчилари эса бу корхоналар билан бевосита боғланмагани учун иш юришмаяпти. 2-темир-бетон буюмлари заводига келган 30 вагон цемент ўз вақтида туширилмади.

Станция коллективи юк тушириш бўйича биринчи квартал планини бажара олмади. Афсуски, апрель ойида ҳам станцияда силжиш бўлмаяпти. 1 апрелда Қўйлиқдаги темир-бетон заводига келган 18 вагоннинг юки туширилмай колиб кетди. 3 апрелда шу адресга келган 12 вагон қимирламай турди.

КИМНИНГ ҲАМЁНИДАН

«Узоптобакалея»нинг Тошкент базаси темир йўлга 2,5 ойда 1.622 сўм жарима тўлади. Январь ойида 111 вагон нормадан ташқари 1.757 соат бекор турди. Вагонларнинг туриш нормаси 2 соатдан 17,8 соатга кўтарилиб кетди. Февралда ҳам ҳар бир вагон юки тушириличини кутиб, нормадагидан сал кам 12 соат ортиқ маҳтал бўлиб турди. Афсуски, бундай аҳвол ҳозир ҳам давом этмоқда.

Уйсозлик комбинати ҳам бу соҳада бошқалардан «қолишмаяпти». Январь ойида 870 вагон нормадан ташқари 8.150 соат, февралда 4493 соат бекор турди. Корхона вагонларни нормадан ошиқ тўхтатиб қўйгани учун 2 ой мобайнида давлатга 8.611 сўм жарима тўлади. 3-қурилиш трести эса бу соҳада айниқса «рекорд» қўйди. Трест март ойининг ўзида «бор-йўғи» 2.864 сўм 70 тийин жарима санаб берди.

Масаланинг шу томони борки, жаримани корхона директори ўз ҳамёнидан эмас, балки давлатнинг маблағидан тўламоқда. Давлат маблағини нест-нобуд қилиш бу корхона раҳбарларига ҳеч гап эмасдек туюлмоқда.

БЕДАРАК КЕТДИ...

Темир йўлчилар юк эгаларидан ғина қилишганида улар жим туришармиди...

22 январда станцияда ачинарли ҳангома рўй берди. «Узоптобакалея»нинг Тошкент базаси адресига Харьковдан келган 798797-вагон бирдан ғойиб бўлиб қолди. Бир вагон печенье — ҳазил гапми! Дарров қидир-қидир бошланди. Ҳайриятки, вагон станциянинг ўзида турган экан. Фақат тарозибон Катерина Татаринцева бепарволик қилиб, вагонни «келди» деб рўйхатга олмабди. 16 соат излашдан сўнг, вагон рўйхатга тиркаб қўйилди. Станцияда ишни ташкил қилишда анча-мунча чатоқликлар бор. Станциянинг юк саройи йўқ. Минерал ўғит ҳам, ёғоч ҳам лойга қоришиб ётибди. Телефон линияси кочор. У тез-тез бузилиб туради. Кўпинча темир йўлчилар юк эгасини ўзлари бориб чақириб келишади.

Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмаси ва Тошкент саноат области ижроия комитетининг раҳбарлари бу станцияда ишни яхшилаш учун жиддий тадбирлар кўришлари керак.

ҲАЁТ ТАЛАБИ

Темир йўлчилар билан юк эгалари ўртасидаги бундай сансалорликни тугатиш пайти аллақачон етган. Бунга эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Биринчи навбатда юк тушириш ва уни ўз эгасига етказиб бериш марказлаштирилган усулда ташкил этиш керак. Бунинг учун станция автобазадан маълум миқдорда юк машиналарини ўзига бириктириб олиши лозим. Шундай қилинса, юк келиши билан темир йўлчилар учун ҳоҳ кечаси, ҳоҳ кундузи юкли вагонни дарҳол бўшатиб бераверши имконияти туғилади. Ўз навбатида юк эгасига вақтида элтиб бериладиган бўлади. Тошкент-товар станциясида синаб кўрилган бу тадбир яхши натижалар берди. Юк ташишдаги янги усулни кенг ёйиш кераклигини турмушнинг ўзи тақозо этяпти.

Сўнгги йилларда кўпгина корхоналарнинг кириш йўллари темир йўл ихтиёрига топширилди. Бу тадбир яхши натижалар бераётир. Уйсозлик комбинатининг транспортчилари 7 километрли тупикни барча юк ортиш-тушириш механизмлари билан темир йўлга топширсалар, ҳар икки томонга ҳам қулай бўлур эди. Шундай қилинса, станция меҳнаткашларининг юк эгалари билан алоқаси мустаҳкамланади, бутун масъулият темир йўлчилар зиммасига тушади, сансалорликка барҳам берилади.

Ишни енгиллаштиришнинг яна бир йўли бор. Маълум корхоналарни битта станцияга бириктириб қўйиш маъқул. Баъзи корхоналар ёнгинасидаги станция қолиб, юкни шаҳарнинг нариги чеккасидаги станциядан олади. Масалан, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли колхоз ва совхозлар юкни Ҳамза станциясидан ташиб келтиришяпти. Ваҳоланки, бу бошқармага қарашли хўжаликлар юкни ўзларига яқин жойлашган Тўйтепа станциясидан олишлари мумкин. Агар бир неча корхона ё хўжалик битта станцияга бириктириб қўйилса, юк ортиш, тушириш ва ташиш ишлари яхшиланади, темир йўлчилар ўзларининг доимий мижозларини таниб, аниқ билиб оладилар.

Халқ хўжалиги юклари ва вагонлар — халқ мулки. Уни маҳтал қилиб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Вагонлардан тўғри фойдаланишни фақат темир йўлчиларнинг иши деб ўйлаш жиддий хатодир. Бу муҳим иш билан партия, совет ташкилотлари, бутун жамоатчилик шуғулланиши лозим.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.



Корхона директори: штраф тўласак тўлабмиз-да! Ёнимиз, ҳамёнимдан чиқяптими бу пуллар...

ИҚТИСОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Самарқанд область, Каттақўрғон ишлаб чиқариш бошқармасида иқтисодий конференция бўлиб ўтди.

«Колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлигини ошириш ва пахта таннархини пасайтириш резервлари» тўғрисида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Экономика ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш институтининг бўлим мудири, иқтисод фанлари кандидати Т. Тиллаев доклад қилди.

Қўшимча докладларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, хўжаликларда ҳисоб-китоб ишларини яхшилаш, механизатор кадрларнинг малакасини ошириш ва бошқа масалалар ёритиб берилди.

А. ПЎЛАТОВ.

Шўрчи районидаги Гагарин номли совхознинг ака-ука чўпонлари Холтўра ва Бектош Ўтаевлар хурсанд. Уларнинг отаридаги 720 совлиқнинг ҳар 100 боши ҳисобига 120 тадан қўзи олинмоқда. Қоракўл терилар юқори сифатли бўлиб, дунё бозорида ҳам яхши баҳоланмоқда. СУРАТДА: Холтўра ва Бектош УТАЕВЛАР.

А. Ким фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ВАТАНГА МЎЛ ПИЛЛА БЕРАМИЗ

(МУХБИРЛАР ХАТЛАРИДАН)

□ □

Сурхондарё область, Шаҳрисабз ишлаб чиқариш бошқармаси пиллачиларининг бу йил мамлакатга ҳар йилдагидан ҳам кўп ва юқори сифатли пилла етказиб бериш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббуси республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари шаҳрисабзликлар чақириғи асосида зиммаларига янгидан-янги мажбуриятлар олмоқдалар ва қурт боқишга зўр тайёргарлик кўрмоқдалар. Қишлоқ мухбирлари ана шулар ҳақида редакциямизга кўплаб хабарлар юбориб турибдилар.

М. Абдуллаев, А. Алимов, Қ. Шодмонов, С. Йигитлиев, О. Турсунов, И. Эгамбердиев, С. Абдурасулов ўртоқларнинг ёзишларига қараганда, Андижон область, Хўжаобод ишлаб чиқариш бошқармасининг хўжаликларида эрта кўкламда 259 минг туп тут кўчати ўтқазилган эди. Бу кўчатлар ҳозир яхши кўкармоқда. Ўчқўрғон ишлаб чиқариш бошқармасининг хўжаликларида пиллачилик бригадалари ва звеноларини тузиш тугалланди. Қурт боқиладиган жойлар тайёр қилинди, этажерка ва сўккичлар қилиш учун ёғочлар етарли миқдорда сотиб олинди.

Областнинг бошқа районларида ҳам қурт боқишга тайёргарлик кучайтириб юборилди. Наманган ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ўзбекистон» ва «Қизил байроқ» колхозларида қурт боқиш учун кенг ва ёруғ бинолар ажратилиб, оқлаб ва дезинфекция қилиб қўйилди. Бу йил давлатга 16200 килограмм пилла топшириш мажбурияти олинган «Ўзбекистон» колхозида қуртхоналарга печкалар қурилмоқда. «Қизил байроқ» колхозида тут дарахтлари ўгитланиб, таги юмшатилди ва суғорилди. Москва ишлаб чиқариш бошқармасидаги Фрунзе номли колхозда звено бошлиқларининг семинари ташкил этилиб, уларга уруғни жонлантириш, қуртни жадал усулда боқиш қоидалари ўргатилди.

Шаҳрисабзлик пиллачилар қурт боқишга тайёргарлик кўришда ҳам бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Уч мингдан ортиқ печка қуртхоналарга ўрнатилди. Кичик ёшдаги қуртларни боқиш учун барча пиллачилик бригадалари ва звеноларида керакли ғоғоз билан таъминланди. Бошқарма хўжаликлари ўтган йили кўп қаватли махсус темир сўккичларнинг 2000 комплектини сотиб олган эди. Бу йил яна 550 комплект сотиб олинди. Қишда бир неча марта яхоб берилган, эрта кўкламда қатор оралари ўгитланиб, чуқур юмшатилган тут дарахтлари яшнаб ўсяпти. Р. Муродов ва П. Ҳақбердиев ўртоқлар ана шуларни ёзиб юборганлар. Ю. Ҳасанова ва Н. Қосимова ўртоқлар Сурхондарё область, Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Максим Горький номли колхозининг моҳир пиллачиларидан Офтоб Тоғаева, Ашир Шавонова, Куйсин Мирзаева, Тунук Қодирова бу йил ҳар қути қурт уруғидан 100-110 килограммдан пилла етиштириш мажбуриятини олганликлари ҳақида ёзадилар. Бу пиллачилар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун курашиб, қурт боқишга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдилар.

«Бойсун» совхози. Сурхондарё областидаги энг йирик пиллачилик хўжаликларидан биридир. Ўртоқ Н. Муродовнинг ёзишича, бу йил совхозда 450 қути қурт боқилади. Бунинг учун пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётир. Салкам 12 минг туп кўчат ўтқазилиб, тутзор барпо қилинди. Бундан ташқари йўл атрофларига, ариқ бўйларига ва бошқа қулай ерларга 4 минг тупга яқин баланд танали тут кўчати ўтқазилди. Бу кўчатлар ва 25 гектар ердаги эски тутзор меҳр билан парвариш қилинмоқда.

Фарғона область, Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли, Фрунзе номли, «Партия XIX съезди» ва «Большевик» колхозларида, — деб ёзадилар М. Каримов, М. Мирзаабдуллаев, Т. Тешабоев, Н. Мўминов ўртоқлар, — ҳамма пиллачиларнинг диққат-эътибори мавсумни шайланиб кутиб олишга қаратилмоқда. Бу эса жуда яхши натижа бераётир. «Партия XIX съезди» колхозида 50 дурагор яхшилаб оқланган ва дезинфекция қилинган ёруғ пиллахоналарга сўккичлар қурмоқда. Фрунзе номли колхоз правлениеси қурт боқишга яхши ташкил этиш мақсадида бу йил звеноларга сонини кўпайтирди. Қиров ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ғаниобод» совхозининг дирекцияси, деб хабар қилади ўртоқ Р. Фармонов, энг яхши пиллачиларни звено бошлиги қилиб тайинлади. Тутзорлар звеноларга биркитиб қўйилди.

Бухоро область, Ромитан ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Нариманов номли колхозда пиллачилик звеноларининг составини қайта кўриб чиқилди ва тўлдирилди. Булар орасида ўтган йили ҳар қути қурт уруғидан 110-150 килограммдан пилла олган Матлаб Файзиева, Роҳат Номозова, Гулбодам Саттарова, Амина Мавлонова ва бошқа моҳир пиллачилар бор, Ўртоқ Р. Холлиев ана шу ҳақда ёзган.

Пиллачиларнинг «Мангит» совхозида ташкил этилган уч кунлик семинари ўз ишини тамомлади. И. Нуримбетов, Ж. Еримбетов, У. Искандаров ўртоқлар Қорақалпоғистон АССРдаги Амударё ишлаб чиқариш бошқармаси уюштирган бу семинарда 100 кишининг таълим олганлигини хабар қиладилар. Ўртоқ А. Бобожонов Тўрткўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли колхоз ва совхозларда қурт боқиш мавсумига тайёргарлик тугалланай деб қолганлиги ҳақида ёзади.

Қуртга баргни вақтида етказиб бериш, уни тез ва соғлом ўстиришда, бинобарин, пилладан юқори ҳосил олишда энг муҳим омилдир. Хоразм область, Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Чапаев номли, Гурлан ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Карл Маркс номли колхозларнинг правленислари ана шуни ҳисобга олиб барг ташиш учун ҳар уч пиллачилик бригадасига биттадан юк автомашинаси ва бир нечтадан от-арава биркитиб қўйдилар. Ж. Тожибоев ва А. Эшматов ўртоқларнинг хабар беришларича, звеноларга биркитилган аравалар ремонт қилиб бўлинди. Самарқанд область, Пойариқ ишлаб чиқариш бошқармасидан Карл Маркс номли колхозда, деб ёзади ўртоқ С. Коржавов ўз хатида, қуртхоналарни ёритиш учун 90 тоннага яқин кўмир ташиб келтирилди. 50 қути қуртни боқишга етадиган типовой бино қурилди.

Лекин республикадаги ҳамма колхоз ва совхозларда ҳам қурт боқишга яхши тайёргарлик кўрилаётир деб бўлмайди. Уруғини жонлантира бошлашга саноқли кунлар қолганлигига қарамай, биринчи навбатда қилиниши лозим бўлган ишларни бажаришга киришмаган хўжаликлар ҳам бор. Андижон ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларда, деб кўрсатадилар ўз хабарларида А. Абдулаҳатов ва Р. Каримов ўртоқлар ремонт талаб қиладиган 96 та инкубаторийдан ҳали 60 таси уруғини жонлантиришга тайёрланган йўқ. Сўкчак ясаш учун талаб этиладиган бир миллион 95 минг метр ёғочдан фақат ярмиси бор. Қурт боқишга тайёргарлик ишлари айниқса Оҳунбобоев номли, «Октябрь», «Ўзбекистон» ва бошқа колхозларда кечиктириб юборилмоқда.

Хоразм область, Хева ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхози ўтган йили пилла тайёрлаш планини бажара олмади. Бунга кўп жиҳатдан қурт боқишга пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги сабаб бўлди. Лекин колхоз правленниеси, дейди ўртоқ С. Отажонов бизга ёзиб юборган хатида, бундан тегишли хулоса чиқариб олмоқда. Тутзорга кейинги йилларда қаралмай қўйилди. Ариқ бўйларига ўтқазилган тут кўчатлари вақтида парвариш қилинмаганлигидан қуриб қолмоқда. Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли, Гурлан ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхозларида ҳам тутчиликка яхши эътибор берилмаётир.

Республикамиз пиллачиларининг бу йилги мажбурияти ҳар йилдагидан ҳам улкан. Етти йилликнинг бешинчи йилида Ватанга 15000 тонна пилла топшириш юзасидан олинган мажбурияти бажарилиши учун ҳамма имкониятга эгамиз. Бу эса қурт боқиш мавсумини тўла шайланиб кутиб олишни талаб қилади. Шунинг учун камчиликларни қисқа вақт ичида тугатиб, қурт боқишни уюшқоқлик билан бошлаб юборайлик.

СИФАТЛИ ЁҒ УЧУН

Хўжайлн шаҳридаги ёғ заводи коллективи сифатли ёғ ишлаб чиқариш учун Май олди социалистик мусобақасини бошлаб юборди. Корхона коллективи биринчи кварталда планга қўшимча 200 тоннага яқин ёғ ишлаб чиқарди. Ҳозир бир неча-кундузда 25 тонна ўрнига 30-32 тонна чигит қайта ишланмоқда. Ёғнинг сифати анча яхшиланди. Кунжарада қоладиган мойнинг миқдори камайтирилди. Сифатли ёғ учун кураш давом этмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

Саври Ясенова Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг илғор сут соғувчиси ҳисобланади. У етти йилликнинг бешинчи йилида ўзига бириктирилган 16 бош сигирдан 48000 килограмм сут соғиб олмоқчи. СУРАТДА: Саври ЯСЕНОВА.

К. Тошпўлатов фотоси.

ЙИЛИГА ИККИ ҲОСИЛ

Ерларимиз сахий. Деярли йил бўйи далаларимиз устида қуёш кулиб туради. Унумдор тупроқ, сув, қудратли техника — деҳқонларимизга суғориладиган майдонлардан йилига икки марта сабзавот ҳосили кўтариш имкониятини беради. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети аҳолининг ўсиб бораётган талабларини ҳисобга олиб, республикада сабзавотчиликни ривожлантириш соҳасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Йирик шаҳарлар атрофида махсус сабзавотчилик колхоз ва совхозлари ташкил этилди.

Шунга қарамай, кейинги икки йил ичида республикамизда сабзавот ва картошка экинлари майдони анча қисқариб, ҳосилдорлик пасайиб кетди. Бинобарин, сабзавот ва картошка етиштириш ҳам камайди. Колхоз ва совхозларимизда парник ва теплица хўжалигининг ёмон аҳволда эканлиги ҳам сабзавот экинларидан мўл ҳосил олишга тўсқинлик қилмоқда. Масалан, фақат Тошкент атрофидаги хўжаликларда 23,1 минг квадрат метр ҳажмдаги теплицалар бор. Агар бу жойлардан йилига икки марта ҳосил олинганда, бу хўжаликлар йилига 3 минг центнерга яқин эртаги ва кечки сабзавот маҳсулотлари етиштирган бўлур эдилар. Амалда эса колхоз ва совхозларда планда белгиланганидан 3-5 марта кам ҳосил олинмоқда. Кўпгина хўжаликлардаги теплица ва парниклар шу пайтгача газ билан иситишга кўчирилмаган.

Республикамизда сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун жуда катта имкониятлар бор. Ўнлаб колхозлар, юзлаб бригадалар ҳар йили сабзавот, картошка экинларидан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Масалан, Калинин районидаги Карл Маркс номли, «Ўзбекистон» колхозларининг сабзавотчилари экин майдонларининг ҳар гектаридан 200-230 центнердан картошка, 300-400 центнердан помидор, 300-350 центнердан ковун-тарвуз олмоқдалар. Наманган районидаги Тельман номли колхоз ҳам сабзавот етиштиришни комплекс механизациялаштириб, йил сайин мўл ҳосил олмоқда.

Лекин, умуман олганда республикамизда сабзавот, картошка етиштириш талабга жавоб бермайди. Бунга асосий сабаб — биринчидан, ҳосилдорликнинг пастлиги бўлса, иккинчидан, кўпгина хўжаликларда сабзавот, картошка экинлари экиш учун суғориладиган ерларнинг етишмаслигидир.

Хўш, сабзавот, картошка, қовун-тарвуз етиштиришни кўпайтириш учун нима қилиш керак?

Суғориладиган ерларнинг ҳар бир қаричидан оқилона фойдаланиш, у майдонлардан йилига икки марта ҳосил кўтариш — асосий резервлардан биридир. Калинин районидаги «Ўзбекистон» колхозининг бу соҳадаги тажрибаси республикамиздаги барча сабзавоткор хўжаликларга ибрат бўла олади. Колхоз сабзавотчилари ўтган йили 532 гектар майдонга сабзавот, картошка ва озуқабоп экинлар экдилар. Эртаги ҳосил йиғиштириб олиниши билан дарҳол 45 гектар ерга пиёз, 14 гектар ерга картошка, 2 гектар ерга сабзи, 12 гектарга карам, 5 гектарга редиска ва 31 гектар ерга маккажўхори такрор экилди. Колхоз такрор экилган майдонлардан 500 тоннадан ортиқ сабзавот ва картошка олди, 900 тонна силос бостирилди. Хўжалик бундан 25 ярим минг сўм қўшимча даромад қилди. Айрим бригадалар янада яхши кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Тўхтамурод Эргашев бошлиқ бригада аъзолари февраль ойи охири ва март ойининг бошларида 6,5 гектар ерга картошка экқан эдилар. Бу майдонлардаги ҳосил июннинг охирида йиғиштириб олинди. Июль ойининг бошларида бу майдонларга иккинчи марта маккажўхори ва пиёз экилди. То совуқ тушгунча ҳар гектар ердан 300 центнердан маккажўхори кўкпояси, 270 центнердан пиёз йиғиштириб олинди. Мирзааҳмад Маҳмудов бошлиқ бригада аъзолари ҳам сабзавот экинлари такрор экилган майдонлардан мўл ҳосил йиғиштириб олдилар.

Бу мисоллар шуни кўрсатиб турибдики, суғориладиган ерларга йилига икки марта экин экиш — сабзавот, картошка етиштириши кўпайтиришда катта манба бўлиб хизмат қилади. Фақат Тошкент атрофидаги хўжаликларда ҳар йили 5 минг гектар майдонда икки марта сабзавот, картошка экинлари етиштириш мумкин. Бу — қўшимча равишда 50 минг тонна сабзавот маҳсулотлари ва картошка олиш имконини беради. Бутун республикамиз бўйича эса 15 минг гектар ерда йилига икки марта сабзавот экинлари экиш мумкин.

Афсуски, кўпчилик колхоз ва совхозларда бу муҳим ишга бефарқ қаралмоқда. Хўжаликларнинг раҳбарлари, экономистлар суғориладиган ерлардан рационал фойдаланиш тадбирларини кўрмаётирлар. Шунинг оқибатида ҳайдаладиган ерларнинг катта қисмидан йилига фақат бир марта ҳосил олинмоқда.

Республикамиз сабзавотчилари олдида аҳолини сабзавот, картошка, мева билан мўл-кўл таъминлашдек жуда катта вазифалар турибди. Бунинг учун парник хўжаликларида ҳам ишни кучайтириш керак. Токи, экиш учун сифатли ва арзон ниҳоллар етарли миқдорда етиштирилсин.

Мўл сабзавот маҳсулотлари етиштириш билан бирга унинг таннархини арзонлаштириш ҳақида ҳам ҳозирданоқ тараддуд кўриш керак. Бунинг бирдан бир йўли сабзавот экинлари экиш, парваришни қилиш, ҳосилни йиғиштириб олишдаги барча ишларда механизациядан кенг фойдаланишдир.

Аҳолини сабзавот, картошка ва мева билан мўл-кўл таъминлаш учун сабзавотчиларимиз суғориладиган майдонларнинг ҳар бир қаричидан оқилона фойдаланишлари, катта майдонлардан йилига икки марта ҳосил кўтаришлари зарур.

Н. НОСИРОВ,

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Экономика институти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш секторининг бошлиғи.

МИРЗАЧЎЛГА БОРАМИЗ!

Биз, Совет Армияси сафида севимли Ватан олдидаги муқаддас бурчимизни ўтаётган ўзбекистонлик жанговар аскарлар мобайнида «Сув, сув!» деб қақраб ётган чўлу саҳроларни боғу бўстонга айлантиришга жазм қилганликларини газета саҳифаларида ўқиб, бениҳоя қувонмоқдамиз.

Биз тўпланишиб маслаҳатладикки, ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, ҳаммамиз тўғри Мирзачўлга, янгидан ташкил этилаётган совхозларга бориб ишлаймиз, янги ерлар ўзлаштириб, она-Ватан бойлигини кўпайтиришга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Р. АБДУЛЛАЕВ, Р. БОРАТАЛИЕВ, А. АЗИЗОВ, Л. АБДУЛЛАЖОНОВ, оддий солдатлар.

ТУЯЧИЛИК РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Самарқанд областида чорвачилик, асосан, чўл, саҳро ва ярим саҳроларда жойлашган. Хусусан, қоракўлчиликка хизмат кўрсатишда транспортнинг муҳим тури ҳисобланган туядан фойдаланмай туриб бу ишни уддалаш қийин. Туя энг арзон ва энг қулай транспорт воситаси ҳисобланади. Туяни аср-раш учун ортиқча ташвиш талаб қилинмайди. Бундан ташқари, туя жуда сифатли гўшт ва майин жун беради. Туя дашт ва саҳро шароитига чидамли ҳайвондир.

Аммо кейинги йилларда бу соҳага етарли эътибор берилмаганлиги натижасида туяларнинг сони кескин камайиб кетди. Агар 1953 йили область хўжаликлари 5.074 бош туяга эга бўлган бўлса, 1963 йилнинг январь ойига келиб фақат 1.220 бош туя қолган.

Айрим районларда аҳвол яна ҳам ачинарли. 21 хўжаликка эга бўлган Булунғур ишлаб чиқариш бошқармасида фақатгина 7 бош туя бор. Ҳолбуки районда 1953 йилда 467 бош туя бўлган. Энг йирик чорва зонаси ҳисобланган Нурота бошқармасида 557 бош туя қолган. Ваҳолонки, 1953 йилда бу районнинг хўжаликларида 1.560 бош туя бўлган.

Туяларнинг кўплаб сўйиб юборилиши ва нобуд қилинишини шунга олиб келдики, кейинги пайтларда кўпгина хўжаликларда транспорт воситалари етишмай қолди. Бу нарса кўпгина қишлоқ хўжалик ишларининг кечикиб бажарилишига сабаб бўлянти. Агар колхоз ва совхозлар ихтиёрида туя етарли бўлса, далага ўғит чиқариш, ем-хашак майдалаш, озуқани молхона ва қўраларга ташиб келтириш, ёқилғи ва ёнилғини зарур жойларга етказиб бериш, далада ишлаётганларга озиқ-овқат маҳсулотларини ташиб етказиш ва бошқа ишларда анчагина енгилликлар вужудга келган бўларди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Россия Федерациясидаги колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари ва бошқарма бошлиқларининг кенгашида сўзлаган нутқида бундай дейилади: «...Биз туя боқиш каби муҳим ишга нотўғри қараб келган эканмиз, туя сут, тери ҳамда жуда яхши жун берадиган қимматли жониворлир. Лекин ҳозир туя жуда кам. Туя сақлаб қолинган жойларда жуда яхши натижаларга эришилган».

Эндиликда туячиликни қайта ривожлантириш пайти келди. Шуни ҳисобга олиб, яқинда Самарқанд қишлоқ область партия комитети туячиликни ривожлантириш тадбирларини белгилаб чиқди. Бу тадбирга кўра, қоракўлчилик билан шуғулланадиган колхоз ва совхозларда махсус туячилик фермалари ташкил этилади. 1963 йил мобайнида камида 455 ургочи туяга эга бўлинади. «Қизилча», «Коммунизм», 2-«Қўшработ», «Ғозғон» ва Ленин номли совхозларда биттадан йирик туячилик фермалари бўлади.

Л. ҲАМРОЕВ.

НАСИБА

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ III СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

— Онажон, дугоналарим сингари механизатор бўлмоқчиман...

Насибанинг бу гапи Ҳабиба опани ўйлантириб қўйди.

— Уддалай олармиканман, қизим, яхши ўйлаб кўрдингми?

— Ахир, ўзингиз ҳам колхозда звено бошлиғи, бригадир бўлиб ишлагансиз. Этак боғлаб пахта тергансиз. Пахтани қўлда териш канчалик қийинлигини яхши биласиз.

Қизнинг сўзи онага таъсир қилди.

— Ундай бўлса колхоз правлениесига бирга борайлик.

Раис она-болани яхши кутиб олди. Насибанинг сўзини эшитгандан кейин партия ташкилотининг секретарини ҳам чакирди.

— Насиба жуда яхши ишга отланибди. Колхозимизда механизатор қизлар канча кўп бўлса, ишимиз шунча юришиб кетаверади.

Шундай қилиб, Насиба механизация мактабига юборилди. Биргина Насиба эмас, унинг дугоналари ҳам ўқишди. Пахтазор кемасини мукаммал ўрганиш учун қизғин ўқиш кунлари бошланди.

Насиба — суяги меҳнат билан қотган қиз. У колхознинг чевар теримчиси эди. Лекин этакка пахта териш бошқа гап-ку, «занғоми кема»нинг бункерини «оқ олтин»га тўлдириш бошқа гап. Дастлабки йили Насиба 110 тонна пахта теришга муваффақ бўлди. Агар шунча пахтани кўлда тераман деса, камида ўн йил кузакда эртадан кечгача ишлаши керак бўлур эди.

Колхозда механизациянинг шарофатини ҳамма яхши тушунаиган бўлиб қолди. Партия ташкилоти ва колхоз правлениеси механизаторлар бошлиқ бўлган бригадаларда ҳосилдорлик ортаётганлигини кўриб, Насибани ҳам бригадирликка тавсия этишди.

— Уддалай оларманкан, бригадирлик оғирлик қилмасмикин?

Бу гал Ҳабиба опанинг ўзи қизига далда берди.

— Кўрқма, қизим, «кўз — кўрқоқ, қўл — ботир» деган гап бор. Билмаганингни тажрибали деҳқонлардан ўрганиб оласан.

Йил бўйи тўкилган тер зое кетмади. Бир йилдаёқ ҳосилдорлик гектар бошига 13 центнердан кўпроқ ошди. 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил кўтарилди. Бригадирнинг ўзи 100 тонна пахта терди.

Насибанинг ёнига Манзура, Саодат, Гуласал сингари ёш механизаторлар ҳам қўшилишди. Хирмонга барака кирди.

Партия ва ҳукуматимиз ёш механизаторлардан бири — Насиба Эргашеванинг ҳам меҳнатини юксак қадрлади. Унинг кўксига «Ҳурмат белгиси» ордени тақилди.

Ҳозир Насиба Эргашева бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Ҳамма майдон кузадаёқ шудгор қилиб қўйилган эди, қишда яхоб берилди. Далага 500 тонна маҳаллий ўғит чиқариб тўкилди, ариқ-зовурлар тартибга солинди. Насибанинг ўзи «ДТ-24» тракторига миниб, эрта кўкламданоқ экишга тайёргарликни кучайтириб юборди.

Бригада аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорлар тўғрисидаги буюк ғамхўрлиги ўз ифодасини топган тарихий қарорини кўклам дала ишларини кундан-кунга қизитаётган бир пайтда кутиб олдилар.

К. ШОДИҚУЛОВ,

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхоз.

ҚАНД ЛАВЛАГИ—ЯХШИ ОЗУҚА

Қанд лавлаги чорва моллар учун жуда тўйимли озуқадир. Қанд лавлагида оқсил ва бошқа ширали моддалар хашаки лавлагидагига қараганда икки баравар кўп. Шунинг учун ҳам ўртоқ Н. С. Хрушчев маккажўхори, нўхат, дуккакли экинлар билан бир қаторда қанд лавлаги экишга ҳам алоҳида эътибор бериш кераклигини доим уқтириб келмоқда.

Колхоз ва совхоз далаларининг механизаторлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ана шу қимматли маслаҳатларига кўра қанд лавлаги майдонини йил сайин кенгайтирмоқдалар. Илғор колхоз ва совхозлар агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, механизмлардан тўла ва унумли фойдаланиш, ички резервларни ишга солиш йўли билан қанд лавлагидан йилдан-йилга мўл ҳосил олмоқдалар, маҳсулот таннархини тобора камайтирмоқдалар.

Самарқанд область, Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ильич номли наслчилик совхозининг ўртоқ Эргашев бошлиқ бригадаси катта майдонларнинг ҳар гектаридан йил сайин сурункасига 355 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олмоқда. Бу — 12500 озуқа бирлигига тенгдир. Совхоз қанд лавлаги ҳисобига ҳар йили 625 минг озуқа бирлигига эга бўлаётир. Ильич номли совхоз озуқа базасини мустаҳкамлаш йўли билан ўтган йили ҳар бир сигирдан 3180 литрдан сут соғиб олинишига эришди. Тошкент область, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги 4-«Вревский» совхози 1962 йилда 95 гектар ернинг ҳар гектаридан 586 центнердан, ўртоқ Б. Абдухонова бошлиқ бригада эса 30 гектар ернинг ҳар гектаридан 600 центнердан қанд лавлаги олишга муваффақ бўлди. Совхозда бир центнер қанд лавлаги етиштиришга 1 сўм 3 тийин сарфланди, 7600 тонна қанд лавлаги, 5000 тоннага яқин барг олинди. Бу билан озуқа балансида ширали озуқанинг салмоги оширилди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут ўртача 3635 килограммни ташкил этди.

Сурхондарё область, Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида ҳам қанд лавлагидан юқори ҳосил олинмоқда. 1962 йилда ҳар гектар ердан 209 центнердан, Шаҳрисабз ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозида 186 центнердан ҳосил олинди. Бундай мисолларни бошқа областлардан ҳам келтириш мумкин.

Лекин республикадаги ҳамма колхоз ва совхозларда ҳам қанд лавлаги етиштиришга яхши эътибор берилаётир деб бўлмайди. Бир қатор хўжаликларда қанд лавлаги экиш учун олдиндан яхши тайёргарлик кўрилмайди, унумсиз ерлар ажратилади, тупроқ тузук ишланмайди, экин кўп ҳолларда қаровсиз ташлаб қўйилади, вақтида суғорилмайди ва озиқлантирилмайди, бегона ўтлардан тозаланмайди. Ана шундай жойларда қанд лавлагидан жуда паст ҳосил олинмоқда. Бухоро области ўтган йили ҳар гектар ердан бор-йўғи 44 центнердан, Сурхондарё области 56 центнердан, Қорақалпоғистон АССР 71 центнердан ҳосил олди. Бунинг учун ҳам бу жойларда моллар ширали озуқалар билан етарли таъминланмади. Натижада соғин сигирлардан жуда оз миқдорда сут олинди.

Етти йилликнинг бешинчи йилида республикамиз меҳнаткашлари олдида улуғвор вазифалар турибди. Бу йил чорвачилик маҳсулотлари ўтган йилдагидан анча кўп етиштирилиши ва харид қилиниши керак. Бу вазифани моллариинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш йўли билангина муваффақиятли бажариш мумкин. Бу эса озуқабоп экинларни, жумладан қанд лавлагини кўпроқ экишни, экинни меҳр билан парвариш қилиб, ундан мўл ҳосил етиштиришни талаб қилади. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорига кўра бу йил 16 минг гектар ерга, яъни ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўп майдонга қанд лавлаги экилиши лозим.

Республикамизда ҳар гектар ердан камида 300-400 центнердан ҳосил олиш имконияти бор. Ҳар бир хўжаликнинг бунга эришиши учун қанд лавлаги экиш ва экинни парвариш қилишда агротехника қоидаларининг заррача бузилишига йўл қўйилмаслиги керак. Аввало, бу экин учун мос ерларни ажратиш, тупроқни яхши ишлаш ва озиқлантириш керак. Кузда 27-28 сантиметр чуқурликда шудгор қилиб қўйилган ерларни қанд лавлаги экиш учун ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу карталарни экиш олдидан яхшилаб текислаш зарур.

Уруғни тўғри танлаш ва тозалаб экиш ҳосилдорликни оширишда катта аҳамиятга эгадир. Фақат сортли уруғларнигина экиш, уни олдин граназон билан дорилаш керак. Бир центнер уруғ 300-400 грамм граназон билан дорилаш керак. Ҳар гектар ерга камида 30 килограмм қанд лавлаги уруғи экилади. Уруғ 4-5 сантиметр чуқурликка ташланади. Яхши ишланган ва текисланган ерларга ана шу чуқурликда ташланган уруғ қийғос униб чиқади.

Ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот бирлигига меҳнат сарфини камайтиришнинг бирдан-бир йўли — қанд лавлаги етиштиришни комплекс механизациялашдир. Шу мақсадда ҳамма майдонларга уруғни машиналар ёрдамида экиш зарур. Қанд лавлаги уруғини бу ишга мосланган сеялкалар билан экиш керак. Бундай сеялкалар бўлмаган тақдирда «СОН-2,8», «СОД-24», «СКТХ-4-6», «СТВХ-4» сеялкалари билан ҳам экиш мумкин. Тракторчиларни ва қанд лавлаги етиштириш ишлари билан шуғулланадиган бошқа кишиларни экиш техникаси билан яхшилаб таништириш, мўл ҳосил усталарининг иш тажрибаларини кенг оммалаштириш керак.

Устьлабинскликларнинг чақириғи, янгийўлликларнинг ташаббуси республикамизда тобора кенг қулоч ёймоқда. Колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари ана шу чақирик ва ташаббусга қўшилиб, зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар. Республикамиз лавлагикорлари ҳам ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, янги марраларни эгаллашни кўзлаётирлар. Партия ва совет ташкилотларининг, қишлоқ хўжалик органларининг ҳозирги энг муҳим вазифаси — лавлагикорларнинг ватанпарварлик ҳаракатига чинакам ёрдам беришдан, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришдан, илғорларнинг иш тажрибаси ҳамманинг мулки бўлиб қолишига эришишдан, ҳар бир камчиликнинг ўз жойида, жуда тез фурсатда тузатилишини таъминлашдан иборатдир. Ҳар бир колхоз ва совхозда қанд лавлаги экиш планининг сўзсиз бажарилишига эришиш керак.

Я. ЛОБЗОВ,

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги дон ва озуқабоп экинлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ЯНГИ ЕР ҲИСОБИГА

Совхозимиз асосан боғдорчилик хўжалиги ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, коллекторлар олиш, ботқоқ ҳамда захкаш жойларда ер ости сувларини қочириш ҳисобига кўплаб янги ер очиб, пахта майдонини ҳам йил сайин кенгайтирмоқдамиз. Хўжалигимиз ўтган йили пахта тайёрлаш планини анча оширибгина бажарди.

Бизнинг бригадамиз совхознинг ана шу муваффақиятларига катта ҳисса қўшяпти. Ўтган йили биз айниқса яхши кўрсаткичларга эришдик. Янги ўзлаштирилган ерларда гектаридан 25 центнердан пахта етиштирдик. Партия Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг пахтани харид қилиш ва сотиш нархларини ошириш ҳақидаги тарихий қарори ишчиларимизни янги марраларни эгаллаш учун курашга руҳлантириб юборди. Бригадамиз аъзолари бу тарихий қарорга жавобан етти йилликнинг бешинчи йилида 70 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 27 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олдилар.

Шу кунларда бригадамизда ернинг чигит экишга сифатли тайёрлаш, далага гўнг чиқариш ишлари қизғин бораётир. Экишни 6-8 иш кунида тамомлаш учун зарур тадбирларни кўрмоқдамиз. Биз билан мусобақадош Т. Шарипов, Ш. Худойбердиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ишчилари ҳам кузда шудгорланган ерларни бир қатор юмшатиб бўлдилар. Улар эртаиндин чигит экишни бошлаб юборадилар.

А. МАМАТОВ,

Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармасидаги 5-боғдорчилик совхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи.

СУРАТДА: Октябрь районидаги Комсомол майдони ёнида қурилган уй-жой ва ишлаб чиқариш бинолари.

РАЙОНИМИЗ ОБОД ВА ГЎЗАЛ БЎЛАДИ

Гул фасли — баҳор нуридан олам мунаввар. Хуш манзара хиёбонлар, кўм-кўк майсалар, ранг-баранг гуллар тўшалган истироҳат боғлари кишини ўзига чорлайди. Озода, равон кўчалардан ўтар экансиз қалбингиз қувончга тўлади. Янги қурилишларни, жадал суръат билан қад кўтараётган уй-жой, маданий-маиший, ишлаб чиқариш биноларини кўриб кўз қувонади. Партия ва ҳукуматимиз шаҳар ва районларни ободонлаштириш, меҳнаткашларни янги, шинам уй-жой билан тўла таъминлаш, ижодий меҳнат самараларини ошириш учун барча қулайликларни яратиб бериш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу улкан отаоларча ғамхўрлик ва унинг қувончли якунларини районимиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Октябрь райони — Тошкент шаҳрининг энг катта саноат ва қурилиш районларидан бири. Трактор йиғув, металл идишлар, толь, чинни идишлар заводлари, инак-йиғирув, Охунбобоев номли, 2-пойафзал, «8 Март» фабрикалари ва бошқа корхона, қурилиш ташкилотлари шу районда жойлашган. Район ҳўжалиги йил сайин кенгайиб бормоқда. Кейинги йилларнинг ўзида йирик қурилишлардан газета-журнал комбинатининг янги биноси қад кўтарди. Виставка кўчасида студентлар шаҳарчаси, Оқтепа, Шимолий Олмазор, «Қизил Ўзбекистон» массивлари барпо этилди. Бу ерларда қурилиш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Иирик саноат корхоналари кенгайтирилиб, янги-янги мактаб ва болалар муассасалари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қурилмоқда. 2500 ўринли панорамали кинотеатр қурилишида ишлар жадал бормоқда. Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш соҳасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Қурилиш ташкилотлари 1962 йилнинг ўзида 40 минг квадрат метрга яқин уй-жой биноларини фойдаланишга топширди. Корхона, ташкилот маблағлари ва уларнинг яқинидан берган ёрдами асосида 100 минг квадрат метр йўл ва тротуарга асфальт ётқизилди. Абдулла Набиев, Спутник, Огаҳий ва бошқа кўчаларга 94 минг туп кўчат, жумладан 26 минг туп мевали дарахт кўчати ўтказилди.

Районни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қурилиш тармоқларини янада кенгайтириш ҳамон энг муҳим вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитети, меҳнаткашлар наказларини бажариш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланишга, ҳамма тадбирчораларни ташкилий пухта ўтказишга, эҳтиёжларни имкони борича тўлароқ қондиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Район ижроия комитети бу катта ишларни амалга оширишда кенг жамоатчиликка — маҳалла комитетларига, корхона ва муассасаларга таянмоқда. Омма билан яқиндан алоқада бўлиш, биринчи навбатда, қилинадиган ишларни тўғри аниқлаб олишга, қоғозбозликни йўқотишга, белгиланган планларнинг муддатидан илгари сифатли бажарилишига ёрдам бермоқда. Бу алоқани мустаҳкамлашда район Совети депутатлари, ижроия комитет қошида ташкил этилган жамоатчи активлардан иборат бўлимлар, доимий комиссиялар актив қатнашмоқдалар.

Олдимизда шимолий саноат райони территориясини кўкаламзорлаштириш, санитария-гигиена жиҳатдан озода, тоза бўлишига эришиш, ободонлаштириш масаласи турарди. Район ижроия комитети, коммунал хўжалик бўлими бундай катта ишни ёлғиз бажарадиган бўлса бунга вақт ҳам, куч ҳам, маблағ ҳам етишмас эди. Шу мақсадда район партия ва ижроия комитетларининг ташаббуси билан район коммунал бўлимининг мудири, шаҳар Советининг депутати К. Файзиев бошлиқ шимолий саноат районидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар территориясини ободонлаштириш бўйича штаб тузилди. Штаб кенг жамоатчилик иштирокида 1963 йилда қилинадиган ишлар планини гузиб чиқди. Ҳозир шу план асосида тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг яқиндан бераётган ёрдамида қизғин иш бошлаб юборилди.

Шуннигдек, бошқа саноат районларида ҳам ободончилик ишларини амалга оширишда корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари актив қатнашмоқдалар. Айниқса бу соҳада Тошкент чинни идишлар заводи (директори ўртоқ С. Ҳусаинов), «Узглавметаллснабсбит» (бошлиғи ўртоқ Г. С. Финкельштейн) ва бошқа корхоналар намунали иш қилмоқдалар. Чинни идишлар заводи атрофида катта боғ ташкил этилиб, доҳий В. И. Ленин ҳайкали ўрнатилди. Корхона ҳовлиси обод боғ ва гулзорни эслатади. Йўлкалар тўла асфальтланган. «Узглавметаллснабсбит» коллективи ўз ташаббуси билан ва ўз маблағларига металлист кўчасида 9 минг 300 квадрат метр майдонга асфальт ётқиздилар.

Маҳалла комитетларининг ободончилик соҳасида қилаётган катта ишларини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Кўпчилик маҳалла территорияларида жамоатчилик йўли билан болалар боғча ва яслилари, клуб ва идора бинолари, ўқишхоналар қурилмоқда. «Илғор», «Октябрь 40 йиллиги», Свердлов номли маҳалла комитетларининг бу соҳада қилаётган ишлари мақташга сазовордир. «Октябрь 40 йиллиги» маҳалла комитетининг ташаббуси асосида ўтган йилнинг ўзида аҳоли куч билан 200 ўринли клуб, катта идора ва кутубхона бинолари қурилди. 3 та кўприк ремонт қилиниб, тротуарлар тузатилди. 3000 метрдан ортиқ ариқ тозаланди. Шу йил кўкламда маҳаллада «Ҳаёт ниҳоллари» боғи ташкил этилди.

Район партия комитети ва ижроия комитети аҳолига 20 апрелгача район территориясини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ойлигини ўтказиш ҳақида мурожаат қилди. Мавжуд дарахтларни эҳтиёт қилиш, район ва ҳовлиларни озода сақлаш иши қизитиб юборилди. Район бўйича 80 минг квадрат метр йўлга асфальт ётқизиш, камида 54 минг туп кўчат ўтказиш, 28 минг метр ариқни тозалаш, янгидан 10 та кўча очиш, собиқ Деҳқонлар уйи майдонида боғ барпо этиш, Тошкент телевизор станцияси ёнида истироҳат боғи ташкил этиш ва бошқа ободончилик ишлари қизитиб юборилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори асосида районда ҳар жума куни ялпи ҳашар куни деб эълон қилинди. Бу кунда 127-автобаза (директори ўртоқ А. Тошҳўжаев) 142-автобаза (директори ўртоқ В. Хлебалкин), 2-юк таксимотор парки (директори ўртоқ Г. Жаҳонгиров) ва бошқа ташкилотлар район территориясида ишлашга кўплаб автомашиналар ажратиб бермоқдалар.

Район меҳнаткашларининг актив иштироки билан ободончилик ойлиги муваффақиятли ўтмоқда. Ойликнинг ўтган ўн куни ичида 66 минг туп кўчат, шу жумладан 35 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. 180 минг метр ирригация тармоқлари тозаланди. 8 минг квадрат метр йўлкага асфальт ётқизилди, 2500 квадрат метр йўлка асфальт ётқизишга тайёрлаб қўйилди.

Ободончилик, кўкаламзорлаштириш ва санитария-гигиена соҳасида қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп. Район ижроия комитети меҳнаткашларнинг актив ёрдами ва иштирокида бу вазифани бажариш — районимизни пойтахтнинг обод ва гўзал районига айлантириш учун бутун имкониятларни сафарбар этади.

С. НОРҚУЗИЕВ,
Тошкент шаҳар Октябрь район ижроия комитетининг раиси.

Совет кишилари поль Робсонни табрикламоқдалар

МОСКВА, 8 апрель. (ТАСС мухбири). Тинчлик учун атоқли курашчи Поль Робсон 9 апрелда 65 ёшга тўлади. Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети ҳозир Лондонда яшаётган юбилярга телеграмма юбориб, тинчлик учун курашдаги мард биродаримизни, сахий қалб ва эпорлоқ талант эгаси бўлган Робсонни совет тинчлик тарафдорлари номидан самимий табриклади.

Телеграммада айтиладики, совет кишилари Сизни, Америкаининг азамат фарзандини, реакция ва уруш қора кучларига қарши мардоналик билан бош кўтариб чиққан кишини биладилар ва севадилар.

Совет ёзувчилари ва маданият усталари кўпгина жамоат ташкилотлари Поль Робсонни чин юракдан табрикламоқдалар. Улар ўз халқининг озодлиги ва бахт-саодати учун, бутун дунёда тинчлик учун олижаноб курашда унга янги-янги куч ва файрат тиламоқдалар.

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

● «Малик» совхозида очилган бир йиллик совхоз раҳбар кадрлари тайёрлаш мактабида машғулотлар давом этмоқда. Мактабда республиканинг турли областларидан келган қишлоқ хўжалик ходимлари ўқимоқдалар. Ўқитиш ишларига тажрибали қишлоқ хўжалик мутахассислари жалб этилган.

А. Анбаров.

● Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида илмий-атеистик халқ университети очилди.

С. Сайоҳиддинов.

● Тўрткўл районидаги А. С. Макаренко номли 11 йиллик мактабда ишлаб чиқариш таълими яхши йўлга қўйилган. Мактабда трактор чи-механизаторлик, тикувчилик касблари ўргатилмоқда. Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун мактабни оталикка олган В. И. Ленин номли колхоз правленнеси яқиндан ёрдам бермоқда.

Т. Раззоқов.

СУРАТДА: райондаги собиқ Деҳқон уйи майдонини истироҳат ва дам олиш боғига айлантиришда қатнашаётган механизаторларнинг бир группаси шанбаликда.

А. Палехов фотолари.

ТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИГИ

Маълумки, автомобилларнинг техник ҳолати қанчалик тартибли бўлса, улардан фойдаланиш шунчалик яхшиланади, юк ва пассажирлар ташиш кўпаяди. Автомобилларнинг ўз вақтида техник қарови авариялларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Шу йил 15 апрелдан 15 июнгача республикамизда автотранспортнинг техника кўриги ўтказилади. Бу қисқа вақт орасида хўжаликлар ва шахсий фойдаланиш даги ҳамма автомобиль, тягачлар, автомобиль прицеплари текширилади. Бу ишни давлат автоинспекцияси ходимлари кучи билангина бажариш қийин. Шунинг учун, кўрик ўтказувчи комиссия ишида автомобиль транспорти инженер-техник мутахассисларидан иборат жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этадилар.

Совет Иттифоқида кўча ва йўл ҳаракати қоидаларига биноан ҳамма типдаги автомобиллар, троллейбуслар, трамвайлар ҳаракатида хавфсизликни таъминлайдиган кўрсаткичларга эга бўлиши шарт.

Автомототранспортларнинг техник нўқсонлари бўлганлиги сабабли ҳар йили республикада давлатга граждан лар соғлиғига зарар келтираётган жуда кўп йўл ҳодисалари юз бермоқда. Сурхондарё область автотрестига қарашли 62-автобаза ҳайдовчиси Д. Мирзааҳмедов эски шинали «ЗИЛ-155» автобусида йўлга чиққан. Йўлда шина ёрилиб, автобус агдарилиб кетган ва йўловчилардан бири оғир яраланган.

Шуниси ажабланарлики, автомобиль хўжаликларининг кўпгина раҳбарлари техника кўригини мавсумий иш деб биладилар.

Автомототранспорт воситаларини йўл ва кўчаларга бузуқ чиқармаслик учун ҳамма чораларни кўриш керак. Ўзбекистон Жамоат тартибини сақлаш министрлиги милиция бошқармаси транспорт воситаларига эга бўлган ҳамма ташкилотлар, идоралар, совхоз, колхоз раҳбарларини, автомобиль транспорти ходимларини, енгил машина ва мотоцикл эгаларини республикамиз автомото паркларининг техник ҳолатини яхшилаш учун зарур чораларни кўришга чақиради

А. СЛОНЕЦКИЙ,
Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш министрлиги милиция бошқармаси бошлиғи 3-ранг милиция комиссари.

КУТИЛМАГАН ВОҚЕАЛАР ЭТАПИ

ҚЎҚОН, 8 апрель. (**ЎзТАГ махсус мухбири**). Велосипед пойгасининг учинчи — Ленинобод — Қўқон этапи энг мураккаб этаплардан биридир. Бу этап даштли район орқали ўтиб, бу ерда кўпгина тик баландликлар ва пастлаб кетган жойлар кўп. Машиналарнинг шикастланиб қолиши ва пойгачиларнинг тез-тез йиқилиши ҳам бу сафар пойгага анча халақит берди. Лекин шунга қарамай, дурустгина ўртача тезликка — соатига 37,2 километр тезликка эришилди.

СССР спорт мастери В. Кучеренко бошчилик қилаётган Тошкент «Старт» спорт клубининг командаси пойгада пешқадамлик қилди. У уч соат 58 минут 20 секунд натижани кўрсатиб, бу этапда ғолиб чиқди.

Команда зачётида «Старт» клубининг пойгачилари ғолиб чиқдилар. Улар бу этапни 11 соат 56 минут 30 секундда (уч пойгачи босиб ўтган жами вақт) босиб ўтдилар. Ўн бир команда бир хил вақт кўрсатди.

* * *

Мусобақаанинг судьялар коллегияси пойганинг уч босқичини якунини чиқарди. Йўлнинг учдан бир қисми — 400 километрдан кўпроқ масофа босиб ўтилди. Команда зачетида Киргизистоннинг терма коллективи олдинда бормоқда. Бу коллектив жами уч этап бўйича 30 соат 33 минут 41 секунд вақт сарфлади. 30 соат 40 минут 8 секунд вақт кўрсатган Ленинобод шаҳар командаси иккинчи ўринда, 30 соат 40 минут 48 секунд вақтга эга бўлган Тожинистоннинг биринчи командаси учинчи ўринда, Тошкентнинг биринчи командаси тўртинчи ўринда бормоқда. Тошкентнинг биринчи командаси 30 соат 40 минут 56 секунд кўрсатди.

Ленинободдан келган спорт мастери Г. Гредин ҳали ҳам пешқадамлик қилмоқда. У уч этапни 10 соат 7 минут 37 секундда босиб ўтди. Киргизистон вакили В. Старченко ундан 30 секунд орқада қолди. Спорт мастери А. Дулин (Фарғона) Ўзбекистон чемпиони номини олишга ҳаракат қилмоқда.

Мусобақа қатнашчилари бир кун дам олганларидан кейин 9 апрелда Фарғонага қараб йўл оладилар.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Адабий топишмоқлар** (мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида).

18.30 — **«Қайрат» (Олмаота) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида футбол** (Олмаота шаҳридан).

20.15 — **Атеистик темада.**

20,35 — **Совет Тожинистони** киножурнали.

20.45 — **Телевизион янгиликлар** (Ўзбек ва рус тилларида).

21.10 — **Пролог** номли бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Шахмат шинавандаларига** (мактаб ўқувчилари учун), 18.30 — **Хотира дафтарини варақлаб.**

Ўзбек тилида: 18.50 — **С. Айний** (адабий эшиттириш), 19.15 — **Энг биринчилар** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IV да **Кулган киши**, 11/IV да **Момақалдироқ сўқмоғидан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IV да **Олов**, 11/IV да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IV да **Кимга тўй, кимга аза**, 11/IV да **Икки билагузук.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 12, 13, 14/IV кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари.**

КИНО

АрмаГеддон — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 9-30 ва 11-45 минутда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), КАФАНОВ номли (кеч 8 яримда).

Капитан Лой туши — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Каролина Риекстиня — «МИР», «ДРУЖБА» (1-зал да), «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Танца кечаси — «ДРУЖБА» (2-зал да), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва кеч 7 да).

Эгизаклар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), **Маскарад** — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3, кеч 5, 9 ва 10-40 минутда).

Яширин жаннат — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8 яримда).

Қуёш ёмғир ва табассум — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 2, 3-10, 4-20 минут ва кеч 9 яримда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
ЯНГИ АТТРАКЦИОН
Анатолий Сокол
ЎЗ ЕРДАМЧИСИ — ЭЛЕКТРОН. МЕХАНИК КИШИ «РОБОТ» БИЛАН.
Томошалар кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ
телефон-телеграф алоқаси, радио алоқаси ва радио эшиттириш ихтисосларига
(биринчи курсга)
1963/64 ўқув йили учун
СТУДЕНТЛАР қабул қилади
Аризалар ҳозирдан 25 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 15 майдан 31 июлгача ва 1 октябрдан 20 октябргача ўтказилади.
Институтга СССР олий ўқув юртлари учун 1963 йилга белгилаган қоидаларга мувофиқ қабул қилинади.
Ҳужжатларни топшириш учун адрес: Тошкент шаҳар-87, 1-Қорамурт проезди, 6-а уй, сиртқи бўлимнинг қабул комиссияси, телефон 2-93-84.

КАЛИНИН РАЙОН МАТЛУБОТ СОЮЗИ
культмагида
ТЕЛЕВИЗОРЛАР, РАДИОЛАЛАР, РАДИОПРИЕМНИКЛАР, БОЛАЛАР АРАВАЧАЛАРИ, ТИКУВ МАШИНАЛАРИ, ВЕЛОСИПЕДЛАР ВА БОШҚА МАДАНИЙ ТОВАРЛАР
СОТИЛАДИ
ва харидорлар уйига етказиб берилади.
Магазинининг адреси: Оржоникидзе поселкаси, Кооператив кўчаси, 22-уй. (1, 16-автобусининг «Луначарский маркази» остановкаси).

Олам да қилма гап

КПСС ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КРАКОВДА

ВАРШАВА, 8 апрель. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан Польшада меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг секретари В. Н. Титов бошчилигидаги КПСС партия ходимлари делегацияси кечаги кунни Краковда ўтказди.

Делегация Польша Бирлашган ишчи партияси Краков воеводлиги комитетининг бюро аъзолари билан ва Краков шаҳар комитети секретариатининг аъзолари билан учрашди. Польша Бирлашган ишчи партияси Краков воеводлиги комитетининг биринчи секретари Люциан Мотирка меҳмонларга воеводлик партия ташкилотининг фаолияти ва унинг вазифалари тўғрисида гапириб берди.

Делегация аъзолари Краковнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

ФИНЛЯНДИЯНИНГ ТУРКУ ШАҲРИДА ДЎСТЛИК ЙИҒИЛИШИ

ТУРКУ, 8 апрель. (ТАСС). «Финляндия — Совет Иттифоқи» жамияти кеча кечқурун Турку шаҳрининг концерт залида дўстлик йиғилиши ўтказди. Бу йиғилишда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет — Финляндия шартномасининг 15 йиллиги байрамида қатнашиш учун Финляндияга келган Совет ҳукумати делегацияси қатнашди. Йиғилишда Турку шаҳрининг мэри Х. Кютя, парламент раисининг биринчи ўринбосари П. Айтио, шунингдек йиғилиш аҳли қизғин кутиб олган Совет ҳукумат делегациясининг раҳбари, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин нутқ сўзладилар

Музокаралар яна бошланди

ҚОҲИРА, 8 апрель. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси, Сурия ва Ироқ ўртасидаги бирлик масаласига бағишланган музокаралар, дейилади МЕН агентлигининг хабарида, кеча кечқурун Қоҳирада яна бошланди.

Г. ТРАЙКОВ — СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ

СОФИЯ, 8 апрель. (ТАСС). Болгария телеграф агентлиги хабар беради, Болгария халқ деҳқонлар иттифоқининг секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Георгий Трайков туғилган кунига олтмиш беш йил тўлганлиги муносабати билан ва социализм қурилишида актив қатнашганлиги учун Болгария Халқ мажлиси президиуми унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берди.

ГАНАДА «ТИНЧЛИК ҲАФТАСИ»

АККРА, 8 апрель. (ТАСС). Кеча Гана «Тинчлик ҳафтаси» бошланди. Бу ҳафталик мамлакат халқининг тинчлик учун, зўр бериб қуролланишга қарши, атом ва водород қуроли синовларини тақиқлаш учун курашни кучайтириш мақсадида ўтказилмоқда.

«Тинчлик ҳафтаси» муносабати билан Гана Республикасининг президенти Кваме Нкрума халққа мактуб билан мурожаат қилди. Президент мактубида бизнинг давримизда ҳар бир кишининг инсоният тақдири учун масъулиятли эканлигини таъкидланади.

Бутун мамлакатда тинчлик учун курашга бағишланган йиғилишлар ва митинглар ўтказилади.

Югославиянинг янги конституцияси

БЕЛГРАД, (ТАСС). Югославия Федератив Халқ Республикасининг Иттифоқ халқ скупшчинаси тантанали вазиятда Югославиянинг янги конституциясини маъқуллади. Конституциянинг дастлабки лойиҳаси ўтган йилнинг сентябрь ойида эълон қилинган эди. Бу лойиҳа бир неча ой мобайнида жамоат ташкилотларида, граждапларнинг йиғилишларида, матбуотда кенг муҳокама қилинди. Мунозара натижасида лойиҳага кўпгина ўзгартишлар киритилди.

Янги конституцияга биноан Югославия бундан буён Югославия Социалистик Федератив Республикаси деб аталади. Югославия Социалистик Федератив Республикаси составига Босния ва Герцеговина, Македония, Сербия, Словения, Хорватия ва Черногория Социалистик Республикалари киради.

Конституциянинг биринчи моддасида айтиладики, «Югославия Социалистик Федератив Республикаси ихтиёрий равишда бирлашган тенг ҳуқуқли халқларнинг иттифоқ давлати ҳамда ҳокимиятга ва меҳнаткаш халқларнинг ўз ўзини бошқаришига асосланувчи социалистик демократик ҳамдўстликдир». 8-моддада таъкидланадики, «ишлаб чиқариш воситалари ва ижтимоий меҳнатнинг бошқа воситалари, руда ва бошқа табиий бойликлар ижтимоий мулкдир».

Конституциянинг кириш қисмида тинч-тотув яшаш Югославия Социалистик Федератив Республикаси ташқи сиёсатининг асоси деб эълон қилинади.

Конституция вице-президент лавозимини жорий қилади ҳамда президент ва ҳукумат (Иттифоқ ижроия вечеси) раиси функцияларини ажратади. Эски конституцияга биноан, ҳукумат раиси лавозимини республика президенти бажарар эди.

Конституция депутатларни қайта сайлаш соҳасида чекламни жорий қилади ва ваколатли органларни янгилаб туришни кўзда тутади. Ҳар икки йилда скупшчина ҳар бир палатасининг ярми қайта сайланади. Депутатлардан бирор киши скупшчинанинг бирон палатасига сўровкасига икки марта сайлана олмайди. Иттифоқ ижроия вечесининг аъзолари ва баъзи лавозимли кишилар ўз постларини икки муддатдан ортиқ эгаллаб тура олмайдилар. Бунда уларнинг қайта сайланиши ёки тайинланиши учун «асосли сабаблар» бўлиши керак. Республика президенти иттифоқ скупшчинаси томонидан тўрт йил муддатга сайланади ва тўрт йиллик муддатга яна биргина марта қайта сайланиши мумкин. Сўнгги чеклаш Иосип Броз Титога нисбатан жорий қилинмайди.

Конституция комиссиясининг раиси Э. Кардель скупшчина-сессиясида доклад қилиб, жумладан, янги конституция Югославия социалистик жамияти тараққиётида олға ташланган муҳим қадам, у давлат ҳокимияти системасида ишчилар синфининг раҳбарлик ролини таъминлайди, деб айтди.

Сессия бундан ташқари янги конституцияни амалга ошириш тўғрисидаги қонун, сайлов қонуни ва Иттифоқ ижроия вечесини ташкил этиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Скупшчина беш йиллик фаолиятидан кейин ўзини тарқатиб юбориш ҳақида қарор қабул қилди ва янги сайловларни тайинлади. Скупшчинага сайловлар 1963 йил июнь ойида бўлади.

КИНО ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистонда ССР Кинематография ходимлари союзи кинодраматургия секцияси бюросининг кўчма йиғилишини ўтказиш учун келган москвалик бир группа совет кино ходимлари билан Тошкент журналистларининг учрашуви бўлиб ўтди. «Қизил Ўзбекистон» газета редакциясида тўпланган газета ва журналларнинг ходимларига москвалик меҳмонлар — А. В. Спешнев, В. И. Спирина, И. И. Нусинов, И. М. Мансевич, С. Л. Лунгин ўртоқлар ўзларининг ижодий ишлари ва «Мосфильм» суратга олаётган янги кинофильмлар ҳақида сўзлаб бердилар. Учрашувда москвалик кино ходимлари журналистларнинг совет кино санъати ҳақидаги саволларига жавоб бердилар.

ҲОДИСА

ҚИЛМИШ ҚИДИРМИШ

Шофер ТНА 61-57 номерли «ГАЗ-51» машинасини Богдан Хмельницкий кўчасидаги янги очилган магазин олдида тўхтатида, ўзи магазинга кириб кетди. Шу вақт кимдир машинани ўт олдирди-ю, юргизиб кетди.

— Ажабо, шофер магазинда, машинани ҳайдаб кетган ким бўлди? Машина тез ҳаракат қилиб, Чилонзор томон йўл олди. Бўржар кўпригига етганда машина тезлиги янада оширилди. Машина кўприк устида келаётган Иван Акимович Шурик деган кишини босиб ўтди-ю, столбага бориб урилди. Машина ичидан оёқда аранг турган маст бир киши чиқди-да қоча бошлади. Бу бездри ва ароқхўр пок виждонли кишилар қўлидан қутулиб кета олмади. Иван Акимовичга эса тезда медицина ёрдами кўрсатилиб, унинг жони сақлаб қолинди.

Машина ўғриси Мирза Аҳмаджонов Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, ишлаш жойи ноаниқ. У ичкиликка берилиб кетди. Бу безори қаттиқ маст бўлиб юрганида ҳалиги машинани кўриб қолди-да ҳайдаб жўнади. Аҳмаджоновнинг иши ҳозир Тошкент шаҳар Фрунзе район халқ судига берилди. У, яқинда қилмишига яраша жазо олади.

А. ИСМОИЛОВ,
Фрунзе район прокуратурасининг терговчиси.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ

БОТВИННИК — ПЕТРОСЯН МАТЧИ

Жаҳон биринчилиги учун гроссмейстерлардан Ботвинник билан Петросян ўртасидаги шахмат матчининг саккизинчи партияси 42-юришда кечиктирилди. (ТАСС).

Ангола ватанпарварлари Португалия мустамлакачиларига қарши қаҳрамонларча курашни давом эттирмоқдалар. Озодлик учун курашаётган кўпгина жангчиларнинг оилалари Конгога қочишга мажбур бўлди. Яқинда Леопольдвилда анголаликларнинг оммавий митинги бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари мустамлакачиликка, салазарчи жаллодларга қарши қатъий курашга тайёр эканликларини намойиш қилдилар. СУРАТДА: анголалик қочоқлардан бир группаси митингда. Аёллардан бирининг блузкаси да: «Ангола хотин-қизлари курашадилар» деган сўзлар ёзилган.

ЮПИ — ТАСС фотоси.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р 06830 Индекс 64543. Нашр. № 85.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.
Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258 Редакция телефонлари: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323 Масъул секретарь — 34435. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258 Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34461. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.